# 2005 ЙИЛ – СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ЙИЛИ

**Da'vat**

*Оллоҳ таоло берган соғлиғимизни асрайлик. Чунки соғлом одамгина чинакам бахтли бўлади, чунки фақатгина соғлом халқ, соғлом миллат буюк ишларга қодир бўлади.*

Ислом КАРИМОВ


Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2004-yil 8-dekabr, chorshanba № 99 (7708)


# СОҒЛОМ ХАЛҚ, СОҒЛОМ МИЛЛАТГИНА БУЮК ИШЛАРГА ҚОДИР БЎЛАДИ

## Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Ассалому алайкум, қадрли юртдошлар!

Муҳтарам дўстлар!

Мен ҳам сиз, азизларни, сизнинг тимсолингизда бутун халқимизни бугунги улуғ айём — Конституциямизнинг 12 йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Рухсат берсангиз, Ватанимизнинг Асосий Қонуни ҳақида ҳозиргина маърузачимиз билдирган фикрларни тўлиқ қўллаб-қувватлаб, Конституциямизга, бугунги ҳаётимизга бевосита алоқаси бўлган баъзи бир масалаларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Шу фурсатдан фойдаланиб, бугун Конституциямиз кафолатлаб берган вазифалардан энг муҳими — халқимизнинг ҳаётини яхшилаш, унинг фаровонлигини босқичма-босқич юксалтириш мақсадида қилаётган ва қилиш керак бўлган ишларимиз ҳақида сиз, азизлар билан фикрлашиб олмоқчиман.

Шу борада яқин тарихимизда кечган йўлимизга бир назар ташлайлик. Бизга эски тузумдан ҳар томонлама заиф, бирёқлама ривожланган, бошқаларга қарам бўлган иқтисодиёт мерос бўлиб, ўлкамиз асосан арзон-гаров хомашё етказиб берадиган ҳудудга айланиб қолганини барчамиз яхши биламиз.

Эҳтиёжимиз учун зарур бўлган товарларнинг 80 фоиздан кўпроғи, жумладан, ғалла ёки ун, шакар, гўшт ва сут маҳсулотларидан тортиб, ҳатто тузгача, деярли барча озиқ-овқат ва асосий саноат молларини ташқаридан келтиришга мажбур бўлганимизни ҳали кўпчилик эсидан чиқаргани йўқ, деб ўйлайман.

Иқтисодиётни, аввало, ишлаб чиқариш соҳаларини оқилона ташкил қилиш, уларга юксак технологияларни жорий этиш, шу асосда замонавий корхоналар барпо этиб, юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонда жаҳон андозаларига мос, халқаро бозордаги рақобатга бардош бера оладиган тизимни яратиш биздан, шубҳасиз, катта вақт, меҳнат ва шижоатни талаб қилди.

Ана шу эски, мустабид, маъмурий-буйруқбозлик ва ўта марказлашган тақсимот тизимидан воз кечиб, бутун дунё яшаётган, бозор иқтисодиёти муносабатларига қурилган тизимга ўтиш, миллий давлатчилик бошқарувини ташкил қилиш, лўнда қилиб айтганда, демократик давлат, фуқаролик жамияти асосларини, эркин иқтисодиётни қуриш биз учун бугун ҳам осон кечаётгани йўқ, десак, бу ҳам айни ҳақиқат бўлади.

Шундай шароитда ҳам, қандай қийин бўлмасин, ўтган давр мобайнида ҳукуматимиз ойлик иш ҳақи, пенсиялар, стипендия ва нафақаларни ҳар йили маълум даражада ошириб боришга имкон топа олди ва имкон топмоқда.

Албатта, иқтисодиётдан узоқ бўлган баъзи одамлар назарида ойлик иш ҳақини ошириш ҳар қандай вазиятда ҳам энг маъқул йўл бўлиб туюлиши мумкин. Биз ҳам бошқа баъзи бир давлатларга ўхшаб, реал иқтисодий шарт-шароитни ҳисобга олмасдан, ойлик иш ҳақи даражасини қайта-қайта кўпайтиришга қарор қилишимиз мумкин эди.

Лекин биргина оддий ҳақиқатни, яъни маошларнинг ошиши билан бозорда сотиб оладиган мол-товарлар етишмаса, бундай ҳолат фақатгина зиён етказиши, бошқача айтганда, нарх-навонинг ошишига олиб келишини тушуниш қийин эмас.

Нега деганда, 90-йилларнинг бошида ана шундай ҳолат рўй бергани оқибатида нархлар чегарасиз тарзда кўтарилиб кетганига барчамиз ўз ҳаётимиз мисолида гувоҳ бўлган эдик.

Бугунги кунда иқтисодиётимиздаги вазият кескин ўзгармоқда.

Кейинги йиллар давомида юртимизда амалга оширилаётган туб ўзгариш ва ислоҳотлар натижасида иқтисодиётимиз тез ва барқарор суръатлар билан ўсиб бораётганини, сўнгги беш-олти йил мобайнида макроиқтисодий барқарорликка эришганимизни кўпгина нуфузли халқаро иқтисодчи ва кузатувчилар ҳам эътироф этмоқда.

(Давоми 3-бетда)

# БУЮК ИСТИҚЛОЛ ҚОМУСИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун муносабати билан 7 декабрь куни пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг сиёсат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намояндалари, пойтахт жамоатчилиги, юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Конституциявий суд раиси М.Абдусаломов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн икки йиллиги тўғрисида маъруза қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов йиғилишда нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Конституциямиз асослаб, белгилаб берган кўрсатма ва тамойилларни, олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларни нафақат тушунтириш, тарғиб қилиш, балки ҳаётга кенг татбиқ этишнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимизда тинч ва осуда ҳаётнинг ҳукм суришида, эришилаётган ютуқларимиз, истиқболга ишончимиз ва юртимиз обрўсининг халқаро майдонда ортиб бориши замирида Конституциямиз белгилаб берган ҳуқуқий асослар турганини бугун ҳар бир фуқаро чуқур ҳис этмоқда.

Халқимиз ва мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган буюк ўзгаришларнинг туб моҳияти Конституциямизда белгилаб, муҳрлаб қўйилган ҳуқуқ ва имкониятлар, асосий тамойилларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш билан боғлиқдир. Зеро, Бош Қонунимизда белгилаб берилган мезонлар турмуш тарзимизда, кундалик ҳаётимизда ўз аксини топа борсагина халқимиз ва давлатимиз, ҳар бир фуқаро ўз олдига қўйган эзгу мақсад-муддаоларига тезроқ эришиши шубҳасиз.

Мамлакатимиз мустақиллигининг илк кунлариданоқ инсон эрки, унинг бахт-саодати бош ғоялардан бирига айланди. Инсон омилига олий қадрият сифатида ёндашиш принципи амалга кирди. Ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган ислоҳотлар жамиятимизнинг янада гуллаб-яшнашига, кишилар турмушининг бундан-да фаровонлашувига хизмат қилмоқда.

Юртбошимиз бошлаган ишларимизни кенг кўламда, жадал суръатлар билан давом эттириш борасида олдимизда турган муҳим масалаларга эътиборни қаратди.

Неча йилдирки, халқимиз янги йилни янги бир ном билан кутиб олади. Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, бундай эзгу анъана замирида миллионлаб инсонлар манфаати, оилалар тотувлиги, соғлом авлод камолоти, она ва бола ҳимояси, қарияларнинг қадрига етиш, маҳалла ва хонадонлар ободлиги, кишилардаги меҳр ва мурувват туйғуларини юксалтириш ҳисси мужассам.

Якунига етаётган Меҳр ва мурувват йилида юртимизда меҳроқибат ва ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, айниқса ногиронлар, ёлғиз кексалар ва кам таъминланган оилаларнинг, умуман, кўмак ва ёрдамга муҳтож ҳеч бир инсоннинг давлат ва жамият эътиборидан четда қолмаслигига эришилди. Шу муносабат билан қабул қилинган махсус дастур юртдошларимиз ҳаётидаги катта ўзгаришлар учун муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов кириб келаётган янги — 2005 йилни мамлакатимизда Сиҳат-саломатлик йили, деб эълон қилишни таклиф этди. Юртбошимизнинг бу таклифини йиғилганлар гулдурос қарсаклар билан маъқулладилар.

Тантанали маросим санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг катта концерти билан якунланди.

(ЎзА)

## SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

### FARMON

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoniga ko'ra Ismatilla Raimovich Ergashev O'zbekiston Respublikasining Ozarboyjon Respublikasidagi Favqulodda va muxtor elchisi etib tayinlandi.

### MAJLIS

Vazirlar Mahkamasida Kompyuterlashtirish va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish bo'yicha Muvofiqlashtiruvchi kengashning navbatdagi majlisi bo'lib o'tdi. Majlisda O'zbekiston aloqa va axborotlashtirish agentligining davlat hokimiyati va boshqaruvi idoralarida «axborotlashtirish pasporti»ni joriy etish bo'yicha takliflari tinglandi.

## ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:


МУАЛЛИМ: ОЛИЙ МАҚСАД, УЛУҒ МАРТАБА — 2-бет

«ЮРАГИМНИ БОЛАЛАРГА БАҒИШЛАЙМАН» — 4-бет

XXI АСР: ОДАМЛАРИ, ОДИМЛАРИ — 11-бет

ЭЗГУЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК ҒОЯЛАРИ — 14-бет

*Darvoqe, shogirdning ustoz oldidagi qarzdorlik hissi aslida ustozning shogird oldidagi burchidan kuch olmaydimi?!*



# ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Озод юртга, эркин ва бахтиёр халққа улуғвор байрамлар ярашади. Катта шодиёналар катта туҳфалари билан янада гўзалдир.

Энг улуғ ва энг азиз байрамимиз — Мустақилликнинг 13 йиллиги арафасида, Президентимиз Ислом Каримовнинг фармонларига мувофиқ, мамлакатимиз равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилиб, юртимиз ободлиги ва халқимиз фаровонлиги борасидаги эзгу ишларга улкан ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ юртдошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган эди.

7 декабрь куни Оқсарой қароргоҳида ана шу юксак мукофотларни топшириш маросими бўлди.

— Авваламбор, сизлардек эл-юртимизнинг муносиб вакиллари билан, Ватанимизнинг энг юксак фахрий унвон ва мукофотларига сазовор бўлган инсонлар билан кўришиб турганимдан бахтиёр эканимни изҳор этмоқчиман, — деди Президентимиз. — Ҳар йили барчамиз учун муқаддас бўлмиш Ўзбекистоннинг Мустақиллик куни муносабати билан юксак унвон ва мукофотларга сазовор бўлган юртдошларимизни айнан Конституция байрами арафасида қутлаш ва табриклаш яхши бир анъанага айланиб қолди.

Сиз каби эл-юртимиз эъзозига муяссар бўлган, мамлакатимиз тараққиёти ва равнақига ибратли ҳисса қўшаётган фидойи, заҳматкаш инсонлар билан кўришиб, ўзимнинг фахрли бурчимни адо этиш, сизларни бағримга босиб, Ватанимизнинг мукофотларини сиз, азизларга топшириш мен учун катта шарафдир. Афсуски, мана шу муҳташам сарой юксак унвон, орден ва медаллар билан тақдирланган барча-барча ватандошларимизни ўз бағрига сиғдиролмайди.

Аммо мен шу ҳаяжонли дақиқаларда мана шу залда тўпланган сиз, азизларнинг тимсолингизда бугун мукофотларга сазовор бўлган барча юртдошларимни кўраман ва уларнинг ҳаммасини чин қалбимдан, юрагимдан қутлайман, деди Президентимиз.

Биз бугун мамлакатимизнинг энг олий мукофоти — «Ўзбекистон Қаҳрамони» деган унвон билан тақдирланган моҳир темирйўлчи-машинист Тўлқин Иброҳимов, жонкуяр муаллима Анор Маҳмудова, миришкор деҳқон Абдураим Ҳамидов, элимизнинг ардоқли шоири Иброҳим Юсуповнинг номини катта ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оламиз.

Бу йил ҳам кейинги пайтда шаклланган қутлуғ анъанани давом эттириб, ўзининг фидокорона меҳнати, ноёб истеъдоди билан мамлакатимиз илм-фани, адабиёти ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган, халқимиз шуҳратини дунёга тараннум этган марҳум аллома ва санъаткорларимизнинг элу юртимиз олдидаги хизматларини муносиб тақдирладик.

Бетакрор санъати билан халқимиз қалбидан чуқур жой олган Наби Раҳимов, Сора Эшонтўраева, Ойимхон Шомуротова, Ҳожихон Болтаев, Муҳаммаджон Мирзаев, юртимизнинг оташин куйчиси, шоир Ҳамид Олимжон, мамлакатимиз математика фанининг ёрқин намояндаси, академик Всеволод Романовский сингари мумтоз сиймоларнинг «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлангани ана шу ҳақиқатнинг яна бир тасдиғидир.

Шу ўринда Президентимиз Ватанимизнинг нуфузли ва юксак мукофоти — Амир Темур ордени билан тақдирланган Рустам Қосимжонов ҳақида алоҳида тўхталди.

— Оддий бир ўзбек оиласида, Тошкентнинг эски даҳаларидан бирида таваллуд топган, бир қарашда кўпчиликдан ҳеч қандай ажралиб турмайдиган, содда ва камтар, айни пайтда шахмат бўйича жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритиб, бутун дунёни ҳайратда қолдирган, халқимиз ва миллатимиз номини, Ўзбекистоннинг шону шуҳратини юксак даражага кўтарган бу инсон бугун барчамизнинг ғурур ва ифтихоримизга айланди, — деди Ислом Каримов.

Рустам Қосимжонов бугун катта умид ва орзу билан ҳаётга кириб келаётган баркамол ва етук, манаман деган давлатларнинг вакиллари билан беллашувга тайёр ёш ва навқирон авлодимиз учун ҳақиқий, муносиб намуна бўлиб, мен ишонаман, жаҳон шахмат оламида ўчмас из қолдиради.

Бугун мамлакатимиз мустақиллигини, юртимиз озодлигини асраш ва ҳимоялаш йўлида муқаддас бурч ва вазифасини адо этишда мардлик кўрсатган ватандошларимизни тақдирлаш мақсадида таъсис этилган буюк саркарда Жалолиддин Мангуберди номидаги орденни илк бор мана шу юксак шарафга муносиб бўлган ҳарбийларимизга топширамиз, деди Юртбошимиз.

Мана шу залда ўтирган, Ўзбекистонимизнинг юкини ўз елкасида кўтариб келаётган, ризқ-рўзимиз бунёдкори бўлмиш заҳматкаш ва миришкор деҳқонларимизнинг муносиб вакилларини қутлаш ва олқишлашдан айниқса бахтиёрман.

Бугун бу даврада ўз ҳаётини ғоят савобли ишга бағишлаган фидойи ўқитувчи Лутфи Юнусова, ўзбек мумтоз санъатини дунё бўйлаб улуғлаб, тарғиб этиб келаётган хонанда Муножот Йўлчиева, бир неча бор жаҳон чемпиони, болалар спортининг жонкуяри Еркинбой Қуттибоев сингари кўпчиликка ўрнак ва намуна бўлиб келаётган юртдошларимиз борлиги ҳаммамизга қувонч ва ғурур бағишлайди.

Ўзининг чуқур маъноли асарлари билан мана шу саховатли заминни, унинг бетакрор табиати ва гўзаллигини, кўпмиллатли, бағрикенг халқимизнинг олижаноб фазилатларини тараннум этиб келаётган Александр Файнбергни «Ўзбекистон халқ шоири» фахрий унвони билан тақдирлаш барчамизга катта мамнуният етказади.

Бир сўз билан айтганда, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида меҳнат қилаётган турли касб эгалари — қўли гул қурувчи ва муҳандисларга, саноат ва ишлаб чиқариш соҳаларининг фидойиларига, мураббий ва шифокорларимизга, Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини кўз қорачиғидай асраб келаётган мард ва жасур ҳарбийларимизга, жаҳон майдонларида Ўзбекистон байроғини баланд кўтараётган спортчи-ёшларимиз вакилларига — барча-барчаларингизга Ватанимизнинг юксак мукофотларини топшириш, ҳаммангизни чин қалбимдан муборакбод этишдан ўзимни бахтиёр деб ҳис этаман.

Шундан сўнг Юртбошимиз давлатимизнинг олий мукофотларини тантанали равишда топширди.

— Сизларнинг очиқ чеҳрангизга боқиб, кўксингизда ялтираб, ярашиб турган орден ва медаллар барчангизга буюрсин, ҳаммангизга бахт келтирсин, деб яна ва яна бир бор самимий табрикламоқчиман, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Фурсатдан фойдаланиб, сизларни Конституциямизнинг 12 йиллиги билан қутлайман. Барчангизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, хонадонларингизга бахту саодат тилайман.

Тақдирланганлар номидан сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, Хоразм вилояти Гурлан туманидаги 5-ўрта мактаб директори Анор Маҳмудова, шахмат бўйича жаҳон чемпиони, Амир Темур ордени нишондори Рустам Қосимжонов, «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланган марҳум шоир Ҳамид Олимжоннинг қизи Ҳулкар Олимжонова, Ўзбекистон халқ шоири Александр Файнберг, Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги «Янгиобод» фермер хўжалиги раҳбари, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби Элибой Таниев, «Фидокорона хизматлари учун» ордени совриндорлари — хонанда Муножот Йўлчиева ҳамда «Томоша» болалар фольклор театр студияси бадиий раҳбари Нодира Қурбонова, Навоий вилояти Нурота туманидаги «Ғазғон» ширкат хўжалиги бош чўпони, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор Ғаффор Обидов, Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 106-заиф эшитувчи болалар махсус мактаб-интернатининг бошланғич синф ўқитувчиси, «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси» унвони соҳиби Лутфи Юнусова ушбу мукофотлар бундан буён Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлидаги фидокорона меҳнатни янада юксак суръат ва шижоат билан давом эттиришга ундашини, янги-янги марраларни эгаллашга рағбатлантиришини таъкидладилар. Юксак эътибори ва ғамхўрлиги учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирдилар.

**(ЎзА)**

*Qutlov*

# МУАЛЛИМ:
## ОЛИЙ МАҚСАД, УЛУҒ МАРТАБА

Ўқитувчи... Табиийки, ушбу касб эгаси қошида ҳар қайси инсон ўзида ҳеч қандай бойлик билан ўлчаб, адо этиб бўлмайдиган қарздорлик ҳиссини туяди. Бу бежиз эмас, албатта. Зотан, муаллим — машъала. У ўз умрини келажак авлод эртасини мунаввар этишга бағишлаган хокисор инсон. Айтинг, бундан ҳам улуғ мартаба, мақсад-муддао бўлиши мумкинми?!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига биноан ҳар йили Мустақиллик куни ва Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳининг давлатнинг энг олий мукофотлари билан тақдирланиши замирида ҳам аслида ана шу, ўқитувчига ҳурмат-эътибор, унинг фидокорона меҳнати олдида эл-юртнинг қарздорлик туйғуси ётганлиги, шубҳасиз.

Хабарингиз бор: жорий йилда ҳам таълим-тарбия соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги руҳида ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш йўлидаги ҳалол меҳнатлари учун кўплаб ўқитувчи-мураббийлар халқимизнинг юксак эҳтиромига сазовор топилиб, тақдирланган эдилар.

Ўзига хос анъана бор: ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган улуғ айём олдидан ана шундай эл ҳурматини қозонган соҳа вакилларига давлат мукофотларини тантанали топшириш маросими ўтказилади. Бу галги тақдирлаш маросими республика Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасида бўлиб ўтди.

Тантанани Халқ таълими вазири Туробжон Жўраев очар экан, ўқитувчилик касбининг масъулияти, унинг шарафли томонларига алоҳида эътибор қаратди.

— Аслида, — деди вазир ўз нутқида, — дунёдаги барча касблар битта касб соҳиби меҳнати туфайли шаклланади. Бу — ўқитувчиликдир. Бугун ким қаерда, қандай лавозимда ишлаётган бўлмасин, у қачондир мактабда ўқиган, устозлари тарбиясини олган. Устознинг буюклиги, хокисорлиги ҳам шунда аслида. Шу боис ҳам у ҳамиша эъзозда. Президентимиз фармони билан ўқитувчиларнинг давлатимизнинг энг юксак мукофотлари билан тақдирланиши ҳам ана шу эътибор, ҳурматнинг нечоғлигидан дарак.



Қайсики элда муаллим ўз касби билан фахрланса, меҳнатидан кўнгли тўлса, эртанги кунга ишончи ортади ва табиийки, ўша юртда тараққиёт бўлади. Юксак эҳтиром ила халқ таълими вазири томонидан ҳукуматимизнинг энг олий унвон ва орденлари ўқитувчи кўксига тақилар экан, беихтиёр муаллим кўзида қалқиган севинч ёшларидан ана шу ғурурни, ўз фаолиятидан қониқиш ҳиссини, фарзандлар камолига ишончини кўргандек бўлдик.

— Ўқитувчига ҳурмат халқимизнинг қонида бор, — дейди биз билан суҳбатда Акмал Икромов туманидаги 14-мактабнинг меҳнат таълими фани ўқитувчиси, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳибаси Муҳайё Акромхўжаева. — Тўй-ҳашамларда, эл сайилларида ўқитувчига энг тўридан жой берилиши шундан. Бугун халқимизнинг қадим анъанаси ўзига хос маъно-мазмун касб этмоқда. Оддий ўқитувчининг юртнинг шундай улуғ мукофоти билан тақдирланиши айни касб эгаларининг меҳнатига берилган баҳо. Бу зиммамиздаги масъулиятнинг нечоғли залворли эканлигини ҳам билдиради.

Дарвоқе, шогирднинг устоз олдидаги қарздорлик ҳисси аслида устознинг шогирд олдидаги бурчидан куч олмайдими?!

**Баҳодир ЖОВЛИЕВ,**
**«Ma'rifat» мухбири**

**Бурҳон РИЗО олган сурат.**

# СОҒЛОМ ХАЛҚ, СОҒЛОМ МИЛЛАТГИНА БУЮК ИШЛАРГА ҚОДИР БЎЛАДИ

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Ислоҳотларни чуқурлаштиришда, хусусий мулкка, кичик бизнес ва фермерликка кенг йўл очиб беришда, пул муомаласини, миллий валютамизни мустаҳкамлаш йўлида, молия ва банк тизими соҳасида халқаро талабларга жавоб берадиган кескин қадамлар қўйдик.

Шулар қаторида илгари четдан олиб келинадиган кўпгина товарлар ўрнига ўзимизда қурилган замонавий корхоналарда маҳаллий хомашё асосида сифатли, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилгани, уларнинг ҳажми ва миқдорининг кўпайиши — буларнинг барчаси хорижий инвестициялар келишининг кескин кўпайишига, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларга, инфляциянинг жиловланишига, олтин-валюта заҳираларимизнинг ортиб боришига олиб келмоқда.

Бу борада айниқса сўмимизнинг жорий операциялар бўйича эркин конвертациясини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларимиз бугун сўзсиз ўз ҳосили ва самарасини бермоқда. Мана шу вазият ва юришларимизни тасдиқлайдиган баъзи бир рақам ва кўрсаткичларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Аввало, Ўзбекистон аҳолиси сони шу йилнинг охирига бориб 26 миллионлик маррани эгаллаши кутилмоқда. Аҳолимизнинг йиллик ўсиши эса охирги беш йил давомида ўртача 101,2 фоизни ташкил этди. Реал ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръатлари 104,8 фоиз, киши бошига ҳисоблаганда эса 103,5 фоизни ташкил қилди.

Халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ҳажми 1997 йилга нисбатан тахминан икки марта кўпайгани ва пул ресурсларидан оқилона фойдаланганимиз эвазига жорий йилда инфляция суръатлари 4,0 фоиз атрофидан ошмайди.

Барча эришилган ютуқ ва марраларимизнинг пировард натижасининг ифодаси бўлмиш аҳолимизнинг реал даромадлари кейинги беш йилда 210,0 фоизга ўсди. Бундай ҳолат барчамизни қувонтирмасдан қолдирмайди.

Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, иқтисодиётимизнинг тобора мустаҳкам бўлиб бориши олдимизда турган барча долзарб, ўзининг ечимини кутаётган муаммоларни ечишга, шулар қаторида ишчи ва хизматчиларимизнинг иш ҳақини, кексаларимизнинг пенсияларини, студентларнинг стипендияларини, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатлами учун нафақа пулларини оширишга, умуман, ижтимоий масалаларни изчиллик билан ҳал этишга, халқимизнинг оғирини енгил қилишга олиб келади, албатта.

Азиз дўстлар!

Ҳеч шубҳасиз, ўзимизнинг машаққатли меҳнатимиз туфайли эришилган натижалар барчамизнинг ҳаракатимизга ҳаракат, ғайратимизга ғайрат ва эртанги кунимизга ишонч бағишлайди.

Шу билан бирга, бугунги вазият барчамизни ўзимизга бўлган талабчанлигимизни асло сусайтирмасдан, бошлаган ишларимизни кенг кўламда, жадал суръатлар билан давом эттиришга даъват этади.

Қиладиган ишларимиз ҳали кўп. Мақсадларимизни, ният-орзуларимизни сўзсиз амалга ошириш учун нималарга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур?

**Биринчидан** — бошлаган ислоҳотларимизни янада тезлаштириш ва чуқурлаштириш вазифаси. Аввало, иқтисодиётимизда хусусий мулк улушини ошириш, мулк эгаларининг фаолият эркинлигини янада кенгайтириш, кичик бизнес ва тадбиркорликка, қишлоқ хўжалигида фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб бериш. Бу йўналишларда йўлимизни тўсиб турган барча ғов-тўғаноқларни олиб ташлаш.

**Иккинчидан** — одамларимизнинг, аввало раҳбарлик лавозимида ўтирганларнинг онгу тафаккурини ўзгартириш, уларнинг масъулиятини ошириш, давлат идораларининг иқтисодиётга ноқонуний аралашувини чеклаб қўйиш, қонун ҳукмронлигини ҳаётимизнинг ҳамма жабҳаларида тўлиқ таъминлаш, қонунга итоат қилиб яшаш барчамиз учун ҳаёт тарзига айланишига эришмоғимиз даркор.

Масалани айнан шундай кескин қўйишга барча асосларимиз бор.

Ҳаммангизга маълумки, йил бошидан буён 7 та вилоятимизда маҳаллий кенгашларнинг навбатдан ташқари сессиялари бўлиб ўтди.

Шуни катта афсус билан қайд этиш керакки, ана шу сессияларда Конституциямиз белгилаб берган талаб ва мезонларга амал қилиш, жойларда, шуни такрор айтишга тўғри келади, халқимизнинг, аввалambор қишлоқларда яшайдиган одамларнинг ташвиш ва муаммоларини ечиш, уларнинг аҳволидан ўз вақтида хабардор бўлиш, орзу-умидларини рўёбга чиқариш, адолат устуворлигини таъминлаш йўлида кўпгина нуқсон ва камчиликлар мавжудлиги аён бўлмоқда.

Минг афсуски, ҳокимият ва бошқарув идораларида ўтирган баъзи шахсларнинг ўзлари қонун талабларига риоя қилиш у ёқда турсин, қонунни қўпол равишда бузиши, аввало ўз манфаатини кўзлаб, ўз вазифасини суиистеъмол қилиши ҳеч чидаб бўлмайдиган ҳолатдир.

Албатта, бундай ҳолатларга қарши чора кўриляпти, тегишли тадбирлар ўтказиляпти.

Лекин мансабдор шахслар фаолиятидаги бундай қонунбузарлик кўринишлари ва хунук мисоллардан бутунлай воз кечишнинг энг муҳим, таъсирчан воситаси сифатида жойлардаги ҳокимият ва бошқарув идоралари фаолияти устидан жамоатчилик ва фуқаролик назоратини кучайтириш бугунги кунда энг долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Масалани айнан шундай қўйишни барчамиз кутаётган, 26 декабрь куни Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўладиган сайловлар ҳам тақозо этади. Ушбу сайловлар арафасида, шаҳар ва қишлоқларда депутатликка номзодлар билан сайловчиларнинг учрашувлари бўлиб ўтаётган ҳозирги пайтда мана шу масалани, яъни жамиятимизда ижтимоий ва фуқаролик назоратини кучайтириш масаласини кун тартибига қўйишни ҳаётимизнинг ўзи талаб этмоқда.

Бўлғуси депутатларимиз ўз сайловчилари ва эл-юрт олдидаги бурчини муносиб равишда бажариш учун аввало ўзларини халқ ноиблари сифатида ҳис этган ҳолда, мамлакатимиздаги барча ислоҳот ва янгиланиш жараёнларини ўз назоратига олиб, давлат ижро ҳокимияти вазифасида ўтирганларнинг қонун чегарасидан чиқмаслигини қаттиқ кузатиб турса, ўйлайманки, сайловчиларимизнинг, халқимизнинг талабига муносиб жавоб берадиган иш бўлади.

Қадрли юртдошлар!

Биз бундан бир йил аввал халқимиз, жамоатчилигимизнинг орзу-интилишлари, таклиф ва мулоҳазаларини инобатга олиб, 2004 йилни диёримизда «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилган эдик.

Бундан кўзланган асосий мақсад — юртимизда инсон манфаатларини таъминлаш, меҳр-оқибат ва ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, айниқса ногиронлар, ёлғиз кексалар ва кам таъминланган оилаларнинг, умуман, кўмак ва ёрдамга муҳтож ҳеч бир инсоннинг давлат ва жамият эътиборидан четда қолмаслигига эришишдан иборат экани сизларга яхши маълум.

Ана шундай эзгу мақсадларни амалга ошириш учун мамлакатимизда алоҳида дастур қабул қилиниб, унинг ижросини таъминлаш учун йил давомида кўп-кўп ишлар бажарилди. Албатта, бу дастурдаги тадбирларни ижро этиш бўйича жойларда тегишли ҳисоботлар берилади.

Мен, шу фурсатдан фойдаланиб, «Меҳр ва мурувват йили»га бағишлаб бажарилган дастурнинг асосий нуқталарига тўхталиб ўтмоқчиман.

Аввало, шуни таъкидлашимиз керакки, дастурда белгиланган тадбирлар ижроси учун қарийб 365 миллиард сўм, шу жумладан, 250 миллиард сўм бюджет, 115 миллиард сўм ҳомийлар маблағи сарфланган. Бундай рақамлар йил давомида амалга оширган ишларимизнинг кўлами ва миқёсини тасаввур қилиш имконини беради, деб ўйлайман.

Аҳолининг ижтимоий муҳофазаси бўйича белгиланган кенг кўламли тадбирлар ижроси ҳақида гапирганда, икки ёшгача бўлган фарзандини тарбиялаётган оналар ва кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдам ҳажми бу йил 1,3 мартага кўпайиб, 140 миллиард сўмни ташкил этганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Хусусан, умумтаълим мактабларининг 1-синф ўқувчилари, «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчиларини бепул дарслик ва ўқув қуроллари, кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчиларни қишки кийим-бош билан таъминлаш учун 25 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Дастур доирасида янги-янги иншоотлар, маданий-маиший бинолар барпо этилгани, кексалар ва ногиронлар, ёрдамга муҳтож оилалар учун қулайликлар яратилгани айниқса ибратлидир.

Мамлакатимиздаги мавжуд 93 та «Меҳрибонлик» уйлари ва махсус мактаб-интернат бинолари тўлиқ капитал таъмирдан чиқарилди ва реконструкция қилинди. Бунда фақатгина «Меҳрибонлик» уйларининг ўзига 24 миллиард сўм маблағ сарфланиб, бу ишларнинг 85 фоизи ҳомийлар томонидан бажарилди.

Шунингдек, ота-онасиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига эътибор янада кучайтирилди. Айни пайтда 134 минг нафар ногирон бола тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш чоралари кўрилди.

Бундай хайрли ишларга нафақат юртимиздаги, айни пайтда халқаро миқёсдаги ташкилотлар ҳам ўз ҳиссасини қўшаётгани диққатга сазовордир. Чунончи, ЮНИСЕФ, «Ворлд концерн», «Енграг», «Америкерс» ва бошқа ташкилотлар томонидан 6 миллиард 500 миллион сўмлик инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди.

Шулар қаторида «Фриденсдорф интернейшнл» халқаро ташкилоти кўмагида Тошкент шаҳри ҳамда Бухоро, Қашқадарё, Хоразм, Фарғона вилоятларидан 156 нафар боланинг Германияда жарроҳлик усули билан даволаниши ташкил этилди.

Жорий йилда 1 миллион 665 минг нафардан зиёд пенсионерлар, 535 мингдан зиёд катта ёшдаги ногиронлар диспансер кўригидан ўтказилгани, кўплаб эҳтиёжманд қарияларимиз ногиронлар аравачалари, протез-ортопедия буюмлари ва бошқа зарур анжомлар билан таъминлангани ҳам ана шу ишларнинг узвий давомидир.

Дастур доирасида умумтаълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда бошқа ижтимоий объектларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни капитал таъмирлаш ва жиҳозлашга қаратилган ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилди ва изчил амалга оширилмоқда.

Бу мақсадлар учун 40 миллиард 500 миллион сўм бюджет маблағи, 23 миллиард сўм ҳомийлар маблағи жалб қилингани бу соҳада ҳам салмоқли ишлар бажарилганини кўрсатади.

Бугунги кундаги долзарб масала бўлмиш оммавий спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантириш мақсадида барча вилоят ва туманларда, биринчи галда, умумтаълим мактабларида спорт майдончалари ва иншоотлари барпо этиш, уларни зарур анжомлар билан жиҳозлаш бўйича кенг кўламда иш олиб борилмоқда.

Агар бу йўналишда 8 миллиард 700 миллион сўм маблағ сарфланганини ҳисобга олсак, қилинган ва қилинаётган ишларнинг ҳажмини тасаввур этиш қийин эмас.

Ҳурматли дўстлар!

Бугун «Меҳр ва мурувват йили» тадбирларини амалга оширишда, уларга алоҳида маъно ва тарбиявий-ахлоқий, инсоний мазмун-моҳият бахш этишда улкан ҳисса қўшган маҳалла идоралари, маҳалла аҳлининг хизматларини алоҳида эслаб ўтиш лозим.

Халқимизга хос бўлган ҳашар йўли билан маҳалла ва гузарларни обод қилиш, кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексаларга ёрдам бериш сингари эзгу анъаналарни давом эттирган ҳолда, 1 минг 580 нафар фуқаронинг уй-жойи, 2 минг 100 та маҳалла гузари, 275 та маиший хизмат шохобчалари ҳомийлар маблағи ҳисобидан таъмирланди ва янгитдан бунёд қилинди.

Шу борада Тошкент ва Бухоро вилоятларининг чекка қишлоқларида боқувчисини йўқотган аёллар ва ногирон ёшларга мўлжалланган, зарур қулайликларга эга бўлган ишлаб чиқариш-ўқув марказлари ташкил қилинганини айтиб ўтиш лозим. Ҳозирги пайтда Қашқадарё ва Хоразм вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам шундай марказлар барпо этилмоқда.

Айниқса, Жиззах шаҳрида ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган фуқаролар учун турар-жойларга ва маиший хизмат кўрсатадиган инфратузилмага эга бўлган «Меҳр-мурувват шаҳарчаси»нинг қуриб битказилгани эътиборга сазовор.

Бу йил Наврўз ва Мустақиллик байрамлари арафасида юртимизда кенг миқёсда ўтказилган умумхалқ ҳашарларидан тушган қарийб 4 миллиард сўмлик маблағ кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, маҳаллаларни ободонлаштириш, спорт мажмуалари барпо этиш каби эзгу ишларга сарфланмоқда.

Йил давомида азим пойтахтимиз Тошкентга, Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз ва Шаҳрисабз каби қадимий шаҳарларимизга, буюк аждодларимизнинг муқаддас қадамжоларига 150 мингдан зиёд кекса ва ногиронлар, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари учун бепул зиёратлар уюштирилгани ҳам меҳр-мурувват деган юксак ва олижаноб тушунчаларни кенг маънода ифодалайди, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, «Меҳр ва мурувват йили» дастурининг маъно-мазмунига сингдирилган ғоя, яъни жамиятимизда ҳеч ким ўзини ёлғиз сезмаслиги, ҳеч ким эътибордан четда қолмаслиги керак, деган даъват миллионлаб юртдошларимиз қалбида акс садо бергани, уларни одамийлик ва инсонпарварлик ишларига чорлагани барчамизни қувонтиради.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шу минбардан туриб, шундай олижаноб ишларга ҳисса қўшган барча меҳнат жамоаларига, маҳалла оқсоқоллари ва фаолларига, саховатли юртдошларимизга, хорижий ташкилотлар вакиллари ва чет эллик ҳамкорларимизга ўз номимдан, бутун халқимиз номидан самимий миннатдорлик изҳор этиш менга катта мамнуният етказади.

Албатта, бизнинг бу йўлдаги мақсад-муддао ва саъй-ҳаракатларимиз фақат ушбу дастур билан чегараланиб қолмайди. Бу масала юртимизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасидаги узоқ ва давомли стратегик вазифаларимизнинг узвий бир қисми сифатида кейинги йилларда ҳам, албатта, изчил давом эттирилади.

Муҳтарам юртдошлар!

Бу дунёда ҳаёт бор экан, одамзот тинч ва фаровон, бахтли-саодатли умр кечиришни орзу қилади. Шу маънода, одамларга муносиб турмуш шароити яратиб бериш, аҳоли соғлиғини сақлаш масаласи давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Тиббиёт соҳасини ислоҳ қилиш, аҳоли соғлиғини ҳимоялаш масаласини бугунги замон талаблари даражасига кўтариш мақсадида мамлакатимизда давлат миқёсида махсус дастур амалга оширилаётганидан халқимиз, жамоатчилигимиз албатта, хабардор.

**(Давоми 4-бетда)**

*Inson — tabiatning buyuk mo'jizasi. Shunday ekan, inson o'z sog'lig'ini asragan taqdirda tabiatni, hayot davomiyligini asragan bo'ladi.*



# СОҒЛОМ ХАЛҚ, СОҒЛОМ МИЛЛАТГИНА БУЮК ИШЛАРГА ҚОДИР БЎЛАДИ

**(Давоми. Боши 1-3-бетларда)**

Жумладан, замонавий соғлиқни сақлаш тизимини шакллантириш ва ривожлантириш, соғлом авлодни тарбиялаш, тиббий хизмат сифатини кескин ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар ва уларнинг натижалари тўғрисида узоқ гапириш мумкин.

Айни пайтда бу соҳада қўлга киритилган ютуқлар билан бирга, ҳали-бери ечилмаган ўткир муаммо ва нуқсонлар борлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Уларни бартараф этиш, бу борада тараққий топган давлатлар даражасига эришиш учун ҳали кўп меҳнат қилишимиз зарурлигини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Албатта, аҳолимизнинг соғлиғини сақлаш ва даволашда давлатимиз ва жамиятимиз олдида турган вазифалар, янги йилга мўлжалланган давлат бюджети ва харажатларини белгилашда етарли даражада маблағ ажратиш, тегишли идора ва ташкилотларнинг масъулиятини ошириш, бу соҳага алоҳида эътибор бериш ўз йўли билан ҳал этилади.

Табиийки, бу харажатларни аниқлаётганда нафақат медицина соҳаси ва унинг эҳтиёжини, балки шу тармоққа бевосита дахлдор бўлган аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, халқимиз ҳаётига алоқадор бўлган шунга ўхшаш масалаларнинг ечимини ҳам инобатга олишимиз зарур.

Лекин мен шу ўринда барчамиз оддий, аммо муҳим бир ҳақиқатни унутмаслигимизни истардим, яъни одамзотнинг соғлиғи кўп жиҳатдан аввалambор унинг ўзига боғлиқ. Бунинг учун у ўз ҳаётини оқилона йўлга қўйиши, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун соғлом ҳаёт тарзи ва турмуш маданияти талабларига амал қилиши, шак-шубҳасиз, катта ўрин тутади. Буни кўп асрлик ҳаёт тажрибаси ҳам, тиббиёт тажрибаси ҳам исботлаб келмоқда.

Бундай қараш ва муносабатларни ривожланган давлатлар, инсон ҳаётининг қадрига етадиган, халқ соғлиғини том маънода юртнинг ҳақиқий бойлиги деб биладиган мамлакатлар мисолида кўриш қийин эмас.

Масалан, Японияни олайлик. Ҳозирги кунда бу мамлакатда юз мингдан зиёд бир асрдан ортиқ умр кўрган кексалар истиқомат қилади. Бу — дунё миқёсидаги энг катта кўрсаткичдир. Лекин шуни ҳам таъкидлашимиз керакки, Япониянинг бундай натижага эришгани тасодиф эмас.

Албатта, бу ютуқнинг ўзига хос шартлари ва омиллари бор. Аввалambор, миллий қадриятларга ҳурмат, жамиятда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик муҳити, фаровон ҳаёт, маданий савиянинг юқорилиги, ижтимоий соҳанинг юксак даражага қўйилгани, бу масалалар давлат ва жамиятнинг доимий эътиборида экани бунга асос бўлганини англаш қийин эмас.

Аммо буларнинг барчасини тарозининг бир палласига қўядиган бўлсак, ўйлайманки, унинг иккинчи палласини босадиган нарса — бу япон халқининг ҳаёт тарзини, ҳаёт кечиришини тўғри ташкил қилиши, ўз саломатлигига бўлган оқилона муносабатидир.

Азиз дўстлар, шу маънода, узоқ йиллар давомида онгимизга чуқур сингиб қолган бир тушунча борки, биз ундан имкон қадар халос бўлишимиз лозим, деб ўйлайман.

Ўзимиз бир тасаввур қилайлик — одамзот туғилади, вояга етади, бир умр тинмай меҳнат қилади, ҳар куни, ҳар доим, албатта, қандайдир муаммони ечиш билан банд бўлиб яшайди.

Лекин, бир зум бўлсин, тўхтаб, орқасига қараб, эй биродар, ахир, умр дегани оқар сувдек ўтиб боряпти, мен ҳам инсон бўлиб, орзу-умид билан дунёга келиб, ўзим учун ҳам яшашга, шу ҳаётдан баҳра олишга вақт тополдимми, деб ўйламайди.

Кўпчилигимиз, майли, энди бизлар кўрмаганни болаларимиз кўрсин, бизнинг давримиз ўтди — болаларимиз яшасин, деган фикр билан ҳаёт кечирамиз. Албатта, буни фарзандларимиз, набираларимизнинг бахту саодатини ўйлаб, чин дилдан тилаймиз.

Бундай муносабат ва эзгу тилаклар билан яшаш, албатта, миллатимизга мансуб табиий бир ҳол. Лекин, шундай қараш билан бирга, халқимизда кенг тарқалган яна бир олижаноб, чуқур маъноли ҳикмат ҳам борки, у ҳақда гапирмасдан, уни эсга олмасдан бўлмайди.

Агар эътибор берсангиз, қариялар, ўрта ёшга кирганлар дийдор кўришганда, дуога қўл очиб, илойим, умрингиздан барака топинг, қилган меҳнатингизнинг, фарзандларингизнинг роҳатини кўринг, деб тилак билдиради.

Барчамизнинг истагимиз шуки, ҳар бир инсоннинг қалбидаги мана шундай эзгу орзу-ниятлар рўёбга чиқсин. Лекин такрор айтишга тўғри келади — давлат, ҳокимият идоралари соғлиқни сақлаш масаласига қанчалик эътибор бермасин, аввало аҳолимизнинг, ҳар қайси одамнинг бу масала бўйича қарашини ўзгартирмасдан туриб, ижобий натижаларга эришиш қийин бўлади.

Ҳақиқатан ҳам, азизларим, аслида, ҳар бир инсон бу ҳаётнинг ҳеч қачон тугамайдиган ташвишларидан бироз холи бўлиб, ўзи ҳақида ҳам озгина ўйлаши, соғлиғи ҳақида қайғуриши, таъбир жоиз бўлса, ўзини жиндай яхши кўриб яшаши керак эмасми?

Бошқача айтганда, одамларимиз ўзини ўзи қадрласа, ўз қадрига аввало ўзи етиб борса, фойдадан холи бўлмасди. Мана шундай қараш, мана шундай ёндашувни ҳаётимиз қоидасига айлантириш учун ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишимизнинг вақти келди, деб ўйлайман.

Қадрли ватандошлар!

Кириб келаётган янги йилимизга ном беришда ҳар сафар сизлар билан маслаҳатлашиб, бугунги ҳаёт олдимизга қўяётган талаблардан келиб чиққан ҳолда қарор қабул қилишимиз ўзига хос яхши бир одатга айланиб қолди.

Мен юқорида айтилган фикрларни, мақсад ва вазифаларни назарда тутиб, Янги — 2005 йилни мамлакатимизда Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилишни таклиф этмоқчиман.

Албатта, аввалги йиллардаги тажрибага кўра, биз бу масала бўйича ҳам алоҳида дастур ишлаб чиқиб, амалга ошириладиган асосий ишларни аниқ белгилаб оламиз.

Бу дастурда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, бунинг учун тегишли ҳуқуқий, моддий ва молиявий базани мустаҳкамлаш, замонавий билим ва тажрибага эга бўлган тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва малакасини ошириш, шу билан бирга, одамларда ўз саломатлигини асраш бўйича тўғри ва фаол муносабатни шакллантириш каби масалаларга алоҳида аҳамият бериш зарур.

Айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, бугунги тинч, осуда ҳаётимиз ривожига катта хизматлари сингган муҳтарам нуронийлар, пенсионерларимизнинг соғлом ва мазмунли умр кечиришлари учун зарур шарт-шароит яратиб бериш масаласи диққат-эътиборимиз марказида бўлиши даркор.

Шу билан бирга, инсоннинг бошига дард тушганда биринчилар қаторида ёрдамга келадиган олижаноб касб эгалари бўлмиш шифокорларнинг оғир, ўта мураккаб ва масъулиятли меҳнатини муносиб қадрлаш, уларни моддий ва маънавий нуқтаи назардан рағбатлантириш вазифаси ҳам ушбу дастурдан ўрин олиши лозим.

Ҳурматли юртдошлар!

Янги йилнинг мамлакатимизда Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилиниши, ҳеч шубҳасиз, жамиятимизнинг тараққиёт йўлида янги поғонага кўтарилишида, унинг моддий ва маънавий ҳаётида муҳим босқич бўлади.

Нафақат бугунги, балки эртанги ҳаётимиз учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлган мана шундай муҳим масалани кун тартибига қўяр эканмиз, биз буни, мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, мамлакатимизнинг тараққиёт йўлидан ривожланиб, иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари ортиб, салоҳиятимиз, имкониятларимиз тобора ошиб бораётганининг яна бир белгиси ва тасдиғи сифатида қабул қилишимиз ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Сўзимнинг охирида яна такрор айтмоқчиманки, инсон — табиатнинг буюк мўъжизаси. Шундай экан, инсон ўз соғлиғини асраган тақдирда табиатни, ҳаёт давомийлигини асраган бўлади.

Бундай эзгу орзу-мақсадлар учун ҳам давлат, ҳам жамият, ҳам шу юртда яшаётган одамларнинг куч-қудрати ва ҳиссасини бирлаштиришимиз зарур.

Мен яхши ният билан эълон қилаётган Сиҳат-саломатлик йилида бутун халқимизни мана шундай ҳаёт фалсафаси билан яшашга даъват этмоқчиман.

Азизларим, Оллоҳ таоло берган соғлиғимизни асрайлик. Чунки соғлом одамгина чинакам бахтли бўлади, чунки фақатгина соғлом халқ, соғлом миллат буюк ишларга қодир бўлади.

Сизларни Конституциямизнинг 12 йиллик байрами билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилаб қоламан.

## *2004-yil— Mehr va muruvvat yili*

*Аслида, ҳар бир қалб меҳр-оқибатга илҳақ яшайди. Бу туйғу эзгулик дебочаси. Эзгуликнинг мангулиги ҳам шундан қувват олади. 2004 йилнинг «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилиниши замирида ҳам ана шу оддий ҳақиқат ётгани, шубҳасиз. Бугун эса, мана шу эзгу амаллар, саховатли тадбирлар билан бойиган бир йил ҳам ниҳоясига етмоқда. Шу муносабат билан Халқ таълими вазирлиги ҳамда «Сен ёлғиз эмассан» республика жамоатчилик Болалар жамғармаси 2004 йилнинг «Энг яхши Меҳрибонлик уйи», «Энг яхши Меҳрибонлик уйи тарбиячиси» кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида қўшма буйруқни тасдиқлаган эди. Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури»ни амалга ошириш, кадрлар салоҳиятини кўтариш, уларга бўлган талабчанликни ошириш, Меҳрибонлик уйлари ходимлари ишини рағбатлантириш ва илғор иш тажрибасини оммалаштириш ҳамда кенг тарғиб этиш ушбу кўрик-танловнинг бош мақсадидир.*



## «ЮРАГИМНИ БОЛАЛАРГА БАҒИШЛАЙМАН»



*Куни кеча ушбу қўшма буйруқ асосида «Сен ёлғиз эмассан» республика болалар жамоатчилик жамғармасида пойтахтдаги мавжуд бешта Меҳрибонлик уйлари ўртасида «2004 йил— Меҳр ва мурувват йили»да «Энг яхши Меҳрибонлик уйи» ҳамда муассаса тарбиячиларининг касбий маҳоратини баҳоловчи «Юрагимни болаларга бағишлайман» номли кўрик-танлови ўтказилди.*

*Танловда Юнусобод туманидаги 21-, 31-, Ҳамза туманидаги 30-, Собир Раҳимов туманидаги 24-, Чилонзор туманидаги 23-Меҳрибонлик уйлари жамоалари иштирок этди. Дастлаб Меҳрибонлик уйлари фаолиятини кўрсатувчи видеороликлар намойиши остида мазкур Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ўз уйлари ҳақида йиғилганларга ҳикоя қилиб, уларнинг шу маскан ҳақидаги тасаввурларини шакллантирдилар. Шундан сўнг «Зарафшон» концерт зали шоу-гуруҳи, хонандалар Диёрбек Маҳкамов, Манзура Йўлдошева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдулазиз Каримовлар болажонларга дилрабо куй-қўшиқлар билан шодлик улашдилар.*

*Танловнинг 2-босқичида мазкур масканларда фаолият кўрсатаётган тарбиячилар ўз фаолиятлари, ўтказаётган ҳар бир машғулотлари, болаларга бўлган муносабатларини, бир сўз билан айтганда, касбий маҳоратларини саҳна кўринишлари орқали намоён қилдилар.*

*Шундай қилиб, шаҳар танловининг биринчи босқичида «Йилнинг энг яхши Меҳрибонлик уйи» номинацияси бўйича ғолиблик Юнусобод туманидаги 31-Меҳрибонлик уйи жамоасига насиб этди. «Энг яхши Меҳрибонлик уйи тарбиячиси» номига Ҳамза туманида жойлашган 30-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси Феруза Усмонхўжаева мушарраф бўлди.*

*— Ушбу кўрик-танлов Низоми қўлимизга тутқазилганидан буён уйимиздаги барча болалар билан қизғин тайёргарлик кўрганмиз. Албатта, ғолиб чиқишни ният қилиб, мавжуд 9 та тўгаракнинг энг яхши аъзоларини танлаб, барчамиз якдил бўлиб ҳаракат қилдик. Ўйлайманки, ушбу танловлар тарбияланувчиларимизда катта таассурот қолдириш билан бирга биз ҳамкасблар ўртасида ҳам ижобий маънодаги рақобатни шакллантирди, — дейди Юнусобод туманидаги 31-Меҳрибонлик уйи раҳбари Зулфия Анварова.*

*Ғолибларга ХТВ, «Сен ёлғиз эмассан» республика жамоатчилик Болалар жамғармаси томонидан Фахрий ёрлиқлар ва қимматбаҳо совғалар топширилди.*

**Назокат ХОЛМЕТОВА,**
**«Ma'rifat» мухбири**

**Суратда: танловдан лавҳалар.**

**Александр БЕЗРУЧКО**
**олган суратлар.**

# БАЙРАМГА ТУҲФА




Конституциядаги ҳар бир моддани, ҳуқуқий атамаларни фуқаролар, ўқитувчи ва ўқувчилар пухта билмоқлари зарур. Бунда бизга В.А.Костецкийнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Изоҳли луғат» қўлланмаси қўл келади. «Билим» нашриётида ХТВ, РТМ томонидан чиқарилган мазкур изоҳли луғатда Конституция мазмунини ўрганиш жараёнида учрайдиган асосий тушунчалар ва ҳуқуқий атамалар тушунтириб берилган.

Изоҳли луғатда «Муқаддима», «Асосий принциплар», «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари», «Жамият ва шахс», «Маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилиши», «Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши», «Конституцияга ўзгартириш киритиш тартиби» бўлимида учрайдиган асосий тушунчаларга содда, лўнда изоҳ берилган бўлиб, у тарих ва ҳуқуқшунослик фани муаллимларига, ҳуқуқшунослик лицейлари, коллежлари, умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари ҳамда конституциявий ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари муаммолари билан қизиқувчи барча мухлисларга мўлжалланган.

Ушбу қўлланма Конституция байрамига муносиб туҳфадир.

**Маҳмуда ВАЛИЕВА**







*Суратларда: 1.Бугун умумий ўрта таълим мактабларида бошланғич синфларданоқ ўқувчиларга Бош Қомусимиз —Конституция сабоқларининг ўтилиши ўзлигини таниган комил шахсни тарбиялаш йўлида муҳим аҳамият касб этади.*

*Пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги 244- умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Сурайё Қобилова ўқувчиларга Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг яратилиш тарихига бағишланган навбатдаги дарсини ўтмоқда.*

*2. Ўқувчи билан индивидуал ишлаш таълим самарадорлигини таъминловчи муҳим омил. Пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги 77-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Малоҳат Асадова айни жиҳатга алоҳида эътибор қаратди.*

*3. Ўз ҳуқуқ ва эркинликлари билан бир қаторда бурч ва масъулиятлари ҳақида ёшликдан тушунчага эга бўлиш боланинг эртанги камолотида муҳим ўрин тутади.*

**Бурҳон РИЗО олган суратлар.**

*Тошкентдаги 100-руҳий ногирон болалар мактаб-интернатида ногиронлар куни муносабати билан болаларнинг ўзлари ясаган буюмлари ва чизган расмлари кўргазмаси бўлиб ўтди. Тадбир "Асака" банки, ТошДТУ, Собир Раҳимов тумани халқ таълими бўлими, Акмал Икромов тумани ҳокимлиги, Сирғали деҳқон бозори, Фанлар академиясига қарашли "Ниҳол" ишлаб чиқариш бирлашмасининг бевосита ҳомийлиги остида ўтди.*

# МЕҲР ҲАММАГА КЕРАК

*Болаларнинг йил давомида дарсда ва дарсдан ташқари тўгаракларда ясаган шакллари ва чизган суратлари тадбир қатнашчилари эътиборига ҳавола этилди. Тадбир ташкилотчилари интернатда таҳсил олаётган болаларга ўз совғаларини улашдилар. Тадбир сўнгида интернат раҳбари Муқаддам Мираҳмедова сўзга чиқиб тадбирга келган меҳмонларга ўз миннатдорчилигини билдирди.*

**Зевара АҲМЕДОВА**

# ТОЛЕ ҚУЁШИ

Tanlov

Жиззах енгил саноат касб-ҳунар коллежида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги ўқув юртлари ўртасида "Конституция — бахтимиз пойдевори" кўрик-танлови бўлиб ўтди. Конституция кунига бағишлаб ўтказилган мазкур танловда Жиззах вилоятидаги барча академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари иштирок этди.

Ўқувчилар томонидан тайёрлаб келинган чизма ва расмлар киши кўзини қувонтиради. Ҳар бир ўқувчи ўзи тайёрлаган ижодий ишида бахтимиз қомуси ҳақидаги билим ва тасаввурини акс эттиришга ҳаракат қилганлиги яққол сезилиб туради. Ташкил этилганига бир неча ой бўлган Пахтакор хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг ўқувчиси Шаҳноза Абдуллаева 15 хилдаги ижодий ишини олиб келган. У ўз ишларида "Давлат бошқаруви", асосий қонун сабоқлари, "Ўз ҳуқуқингизни биласизми?" мавзуларида бир-бирига ўхшамайдиган расмлар, схемалар чизган. Мирзачўл қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Фотима Адилбекова томонидан тайёрланган реферат, альбом ва расмлар ҳам йиғилганларда катта таассурот қолдирди:

— Бахтимиз Қомуси — Конституцияни ўрганиш, унинг мазмун-моҳияти ҳақида етарли тушунчага эга бўлиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир, — дейди Жиззах вилояти ЎМКҲТ бошқармаси бошлиғининг маънавий –маърифий ишлар бўйича ўринбосари Ҳулкар Юсупова. — Бугунги кўрик-танлов ҳам айнан шу мақсадга қаратилган. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари, ўқувчилари тадбирга пухта ҳозирлик кўришган. Буни улар томонидан тайёрланган турли кўргазма, расм, альбом, реферат ишларидан ҳам билса бўлади.

Кўрик-танлов ҳакамлар ҳайъати томонидан холисона баҳоланди. Мазкур танловнинг вилоят босқичида Жиззах транспорт, алоқа касб-ҳунар коллежи 1-ўринга сазавор бўлди. Жиззах енгил саноат касб-ҳунар коллежи 2-ўрин, Жиззах саноат касб-ҳунар коллежи 3-ўрин билан тақдирланди. "Конституция бахтимиз пойдевори" мавзусидаги иншолар танловида Жиззах педагогика коллежи ўқувчиси Сабоҳат Йўлдошева 1-ўринни олди.

**Абдусаттор СОДИҚОВ, "Ma'rifat" мухбири**

# «КОНСТИТУЦИЯ ВА ЭКОЛОГИЯ»

**Халқ таълими вазирлиги тизимидаги "Bioekosan" Республика ёшларининг ўқув услубий мажмуаси ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда "Конституция ва экология" мавзусидаги давра суҳбати бўлиб ўтди.**

**Тадбирда оммавий ахборот воситалари, Халқ таълими вазирлиги, Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент давлат юридик институтидан профессор-ўқитувчилар, мактаблар қошида экология йўналишида ташкил этилган тўгарак раҳбарлари ва ўқувчилар иштирок этдилар.**

**Тадбирни ўтказишдан мақсад ўқувчиларга Конституция бўйича ҳуқуқий ва экологик билимлар бериш, олган билимлари натижасида ўз келажагини белгилашга ўргатиш, умуминсоний ҳуқуқий қадриятларга нисбатан ҳурмат туйғуларини шакллантиришдан иборатдир.**

**Тадбирга таклиф этилган олимлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳиятини белгиловчи асосий ғояларни сўзлаб бердилар.**

**Ўзбекистон фуқароларининг Конституцияда белгиланган — маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш, атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш каби фуқаролик бурчлари ҳақида фикр юритдилар.**

**МУХБИРИМИЗ**

# «ЗУЛФИЯХОНИМ ҚИЗЛАРИ» НАМАНГАНДА

2004 йилнинг 2 апрелида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси қошида "Зулфияхоним қизлари" клуби ташкил этилган эди. Клуб аъзолари Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорлари, "Қизлар davraси" кўрсатуви иштирокчиларидан иборат. Яқинда клуб фаоллари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунга бағишлаб "Намангантекстил" акциядорлик жамияти ва Чуст тиббиёт коллежида "Биз ҳур ўлка қизларимиз" номли маданий-маърифий тадбир ўтказдилар.

Тадбир Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Наманган вилояти ҳокимлиги, "Намангантекстил" акциядорлик жамияти ва "Дилрабо" хусусий фирмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Энг аввало тадбир иштирокчилари "Намангантекстил" акциядорлик жамияти фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Тадбирни Наманган вилояти ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси София Раҳимова очиб, клуб фаолларининг келгуси ишларида омадлар тилади.

Тадбирда шоира Зулфия Мўминова ва "Зулфияхоним қизлари" клуби раҳбари Гулжамол Асқарова сўзга чиқиб, клуб фаолияти ҳақида тўлиқ маълумот бердилар. Мезбонлар ҳам ўз чиқишлари билан йиғилганлар кўнглини шод этди. Наманганда Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорларининг ижодий кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорлари ижодини тарғиб қилиш, мукофот нуфузини ошириш, ёш иқтидорли қизларни излаб топишга кўмаклашиш, ёшларни мустақиллик ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, клуб аъзоларининг ишини янада жонлантириш тадбирнинг асосий мақсади эди.

**Камола ЭРМАТОВА, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори, Ўзбекистон Миллий университети талабаси**

# САЙЁҲ-ЭКОЛОГЛАР БЕЛЛАШДИ

**Республика ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар Марказида тўгарак аъзолари ўртасида "Қомусли эл – номусли эл" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда устоз-педагоглар, ҳуқуқшунослар, тўгарак раҳбарлари қатнашдилар.**

**Тадбирни Республика ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар Маркази бош директори Убайдулла Парпиев кириш сўзи билан очди ҳамда иштирокчиларни Конституциямиз қабул қилинганлигининг 12 йиллиги билан қизғин табриклади. Шундан сўнг Яккасарой туманидаги 118-мактабнинг "Ёш сайёҳ-эколог" тўгараги аъзоларининг "Замин" ҳамда Миробод туманидаги 214- мактабнинг "Адабий ўлкашунослик" тўгараги аъзоларининг "Адолат" гуруҳлари ўртасида мусобақа ўтказилди. Ўқувчилар байрам кечасида қўшиқлар куйлашди, рақсга тушишди, шеърлар айтишди. Тадбирга ҳар иккала гуруҳ аъзоларининг пухта тайёрланиб келганликлари яққол кўринди. Тадбир сўнгида фаол иштирок этган тўгарак аъзоларига Марказнинг фахрий ёрлиқлари, эсдалик совғалари топширилди.**

**Ғ.РАҲИМОВ, Марказ ўқув-методика бўлими бошлиғи**

# ҲУҚУҚ ВА БУРЧ МУШТАРАКЛИГИ

Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси ва унинг тасарруфидаги таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг иккинчи босқичи ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарорлари асосида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда вилоятда 744 умумтаълим мактаблари фаолият кўрсатиб, уларда халқимизнинг 565 минг нафардан ортиқ фарзандлари таълим- тарбия олмоқдалар. Шунингдек, ўқув йили давомида бошқарманинг маънавий-маърифий ишлар бўлими томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Мактабдан ташқари ташкил этилган 718 та тўгаракда 26434 нафар бола ўз қизиқиш ва қобилиятларига кўра машғулотларга қатнашиб келмоқда. Улар сони ўтган ўқув йилига нисбатан 6,3 фоизга ўсган. Халқ таълими вазирлигининг иш режасига асосан 2004 йил май ойида “Таълим муассасалари жамоаларига узлуксиз методик хизмат кўрсатишда методика марказларининг ўрни ва улар фаолиятини такомиллаштириш истиқболлари” мавзусида ҳайъат мажлиси ўтказилди. Унда бу соҳада вилоятда ижобий ишлар олиб борилаётгани эътироф этилди. Халқ таълими вазирлиги ҳайъат мажлисининг қарори билан вилоят Методика маркази республикада “Таянч методика маркази” деб эълон қилинди ва вилоятда узлуксиз методик хизматни такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ижобий ишлар республикада оммалаштириш учун тавсия этилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун – 8 декабр умумхалқ байрами муносабати билан ҳам вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан бир қатор ҳуқуқий мавзулардаги тадбирлар уюштирилмоқда. Ўқув йили давомида “Ҳуқуқ нима учун керак?”, “Конституция – бахтимиз пойдевори”, “Бола азиз, одоби ундан азиз”, “Куш уясида кўрганини қилади”, мавзуларида давра суҳбатлари ўтказилди.

Шу билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги фармойиши асосида 1-4-синфларда “Конституция алифбоси” курси “Одобнома” ва бошқа ўқув фанлари таркибида жами 10 соатдан ўрганилади. 5-7-синфларда “Конституция оламига саёҳат” курси 17 соат ҳажмида мактаб компоненти ҳисобидан ўқитилади. Бу машғулотлар махсус малака ошириш курсидан ўтган мутахассис ўқитувчилар томонидан олиб борилади. 8-11 синфларда эса бир ўқув йилида 34 соат ҳажмида “Ҳуқуқшунослик” дарслари ўқитилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 ноябрдаги 414-сонли қарорига асосан 10-11-синфларда “Истеъмолчи ҳуқуқлари” махсус курси мактаб ихтиёридаги соатдан ўқув йили давомида 17 соатдан ўқитилмоқда. Вилоятдаги 744 та умумтаълим мактабларининг барчаси қайта тайёрлов ва малака ошириш курсларидан ўтказилган малакали ўқитувчилар билан таъминланган бўлса, 711 та мактабда ҳуқуқшунослик фан хоналари ташкил қилинган. Шунингдек, барча таълим муассасаларида ҳуқуқий маълумотлар акс эттирилган махсус бурчаклар мавжуд. “Ёш ҳуқуқшунос”, “Милициянинг ёш дўстлари” каби тўгараклар ташкил этилган бўлиб, бу тўгаракларда 20 минг нафарга яқин ёшлар ҳуқуқ сирларини ўрганмоқдалар.

Ҳар ўқув йилида умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида “Конституциямиз — бахтимиз пойдевори” мавзусида кўрик-танловлар ўтказилиб келинмоқда. Танловда ҳуқуқий мавзуларда баён, иншолар, расмлар танлови, шу билан бирга таълим муассасалари ўртасида “Энг яхши ҳуқуқий тарғиботни йўлга қўйган мактаб” танлови мунтазам ўтказилиб келинмоқда. Ҳар йили бу танловнинг барча босқичларида 11 минг нафардан зиёд ўқувчи иштирок этади. 2003 йилда бу танловнинг республика босқичида вилоятимиздан иштирок этган 2 нафар ўқувчи фахрли 1-ўринни, Олтинкўл туманидаги 12-мактаб-гимназия жамоаси фахрли 1-ўринни эгаллаган.

Юқори синф ўқувчиларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида ҳар йили “Сиз қонунни биласизми?” кўрик-танлови мунтазам ўтказилиб келинмоқда. Бу жараёнда 21 мингдан ортиқ ўқувчилар турли босқичларда иштирок этадилар.

Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашда жамоатчиликни кенг жалб этиш, ички истеъмол бозорида сифати паст, одамлар ҳаёти ва соғлигига хавф туғдирувчи товарлар сотилишига йўл қўймаслик устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳуқуқий ва истеъмолчилик маданиятини ошириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини кенг тарғиб қилиш мақсадида ўқувчилар ўртасида мактаб, туман, вилоят ва республика кўрик-танловлари ўтказилди. Кўрик-танловнинг республика босқичида иштирок этган Жалақудуқ ва Андижон тумани ўқувчилари жамоаси диплом билан тақдирландилар.

9-11-синф ўқувчилари ўртасида ҳар йили IV босқичда ҳуқуқшунослик фанидан фан олимпиадалари ўтказилиб келинмоқда.

Вилоятдаги мавжуд 744 та умумтаълим муассасаларининг кутубхоналарида ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга ёрдам берувчи қўлланмалар жамланган махсус бурчаклар ташкил қилинган. Шу билан бирга мактабда БМТнинг ЮНИСЕФ ташкилоти томонидан “Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция”, “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси” тўпламлари етказиб берилган.

120 нафарга яқин ҳуқуқшунослик фани ўқитувчилари таълим соҳасида фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар томонидан ўтказилган семинар-тренингларда иштирок этишиб, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш бўйича ўз малакаларини ошириб қайтдилар.

**Д.РАҲМАТУЛЛАЕВ,**
**Андижон вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи**

(М)






# КОНСТИТУЦИЯ — ИЖОДИЙ ИШЛАРДА

Андижон вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги таълим муассасаларида “Конституциямиз — бахтимиз пойдевори" кўрик-танловининг вилоят босқичи уюшқоқлик билан ўтказилди. Унга кўра 5-, 6-,7-синф ўқувчилари ўртасида “Баёнлар танлови" номинацияси бўйича Асака шаҳридаги 4-мактабнинг 7 —синф ўқувчиси Зулхумор Солижонова 1 —ўринни эгаллаган бўлса, 8-11- синф ўқувчилари ўртасидаги иншолар танловида Асака шаҳридаги 9-гимназиянинг 11-синф ўқувчиси Дилноза Холқўзиева ғолибликни қўлга киритди. Ўқувчилар томонидан тайёрланган Ўзбекистон Конституциясининг мазмун-моҳиятини ифодалаб берувчи энг яхши тасвирий воситалар (расмлар, плакатлар, чизмалар ва ҳоказо) танлови номинацияси бўйича ғолиблик Марҳамат туманидаги 42-мактаб жамоасига насиб этди. Қўрғонтепа туманидаги 8-ихтисослаштирилган мактаб жамоаси таълим муассасаларида, маҳаллада таълим-тарбия, ахлоқий-ҳуқуқий, маданий-маърифий мавзуларда амалга оширилаётган ибратли тадбирлар, ҳашарлар, янгича маросимлар акс эттирилган фотоальбомлар танлови бўйича 1-ўринга муносиб деб топилди.

**Бахтиёр ЁҚУБОВ**



# «ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ» ҚОМУСИМИЗ ТЎЙИГА БАҒИШЛАНДИ

XXI аср мамлакатимизда таълим асри сифатида тарих саҳифаларида қолса, ажаб эмас. Янги асрнинг ўтган тўрт йилида халқ таълими ривожи йўлида оламшумул ишлар амалга оширилди. “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида”ги Президент фармонининг қабул қилиниши бу борадаги саъй-ҳаракатлар гултожи бўлди.

28 ноябр — 7 декабр кунлари Андижон вилоятидаги барча таълим муассасаларида Конституциямизнинг 12 йиллигига бағишлаб “Очиқ эшиклар куни” тадбирлари ўтказилди. Тадбирлар режасига мувофиқ мазкур кунларда мактаблар, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасаларида Қомусимизнинг 12 йиллигига бағишланган тантаналар ўтказилиб, таълим муассасаларида элюрт ҳурматига сазовор кишилар, халқ таълими фахрийлари, халқ таълими ҳомийлари билан ўқувчиларнинг учрашувлари ташкил этилди.

Ўтказилган учрашув ва суҳбатларда мамлакатимизда мустақиллик йилларида қўлга киритилган муваффақиятлар, мактаб таълими соҳаларида юз бераётган муҳим ижобий ўзгаришлар, Қомусимиз шарофати билан фуқароларимизнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини теранроқ англашлари юзасидан баҳслар, давра мунозаралари ташкил этилди.

“Мактабга ёрдам — миллатга ёрдам“ мавзусида уюштирилган учрашувларда бир қатор халқ таълими ривожи йўлида ибрат кўрсатаётган таълим ҳомийлари, тадбиркорлар, саховатли инсонлар иштирок этишди.

Айни кунларда вилоятимизнинг кўплаб таълим масканларида “Очиқ эшиклар куни” тадбирлари ўтказилмоқда. Ўйлаймизки, Конституциямизнинг қутлуғ 12 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган тадбирлар ота-оналар, жамоатчилик вакиллари, мактаб ўқувчилари қалбида она Ватанимиз, Қомусимизга бўлган муҳаббатларини янада оширади.

**О. СИДДИҚОВ**

## O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligi tomonidan ta'lim o'zbek tilida olib boriladigan umumiy o'rta ta'lim maktablari uchun 2005-2006 o'quv yilida qo'llashga tavsiya etilgan darslik va o'quv-qo'llanmalar

### RO'YXATI

| t/r | Darslik va o'quv-qo'llanmalar nomi | Muallifi | Nashr etilgan yillari |
|---|---|---|---|
| | **1-sinf** | | |
| 1 | Alifbe | R.Safarova va b. | 2004-2005 |
| 2 | Yozuv daftari | M.G'ulomov | 2004- 2005 |
| 3 | Ona tili | T.G'offorova va b. | 2003-2005 |
| 4 | O'qish kitobi | T.G'offorova va b. | 2003-2005 |
| 5 | Matematika | M.Ahmedov va b. | 2003-2005 |
| 6 | Matematika daftari | M.Ahmedov va b. | 2004-2005 |
| 7 | Atrofimizdagi olam | A.Grigoryants va b. | 2002-2004 |
| 8 | Odobnoma | O.Hasanboyeva va b. | 2002-2003 |
| 9 | Musiqa | X.Nurmatov va b. | 2000,2002,2004 |
| 10 | Tasviriy san'at | R.Hasanov | 2001-2004 |
| 11 | Jismoniy tarbiya | K.Mahkamjonov va b. | 2004 |
| 12 | Konstitutsiya alifbosi | O.Karimova va b. | 2001-2003 |
| | **2-sinf** | | |
| 1 | Ona tili | Q.Qosimova va b. | 2003-2005 |
| 2 | O'qish kitobi | Q.Abdullayeva va b. | 2003-2005 |
| 3 | Rus tili | R.Tolipova va b. | 2003-2005 |
| 4 | Matematika | N.Bikbayeva va b. | 2003-2005 |
| 5 | Atrofimizdagi olam | A.Grigoryants va b. | 2003-2005 |
| 6 | Odobnoma | Q.Abdullayeva va b. | 2001-2005 |
| 7 | Musiqa | X.Nurmatov | 2001-2003,2005 |
| 8 | Jismoniy tarbiya | K.Mahkamjonov va b. | 2004,2005 |
| 9 | Konstitutsiya alifbosi | O.Karimova va b. | 2001-2003,2005 |
| | **3-sinf** | | |
| 1 | Ona tili | S.Fuzailov va b. | 2003-2005 |
| 2 | O'qish kitobi | M.Umarova | 2003-2005 |
| 3 | Rus tili | R.Tolipova va b. | 2003-2005 |
| 4 | Matematika | N.Bikbayeva va b. | 2003-2005 |
| 5 | Tabiatshunoslik | A.Grigoryants va b. | 2003-2005 |
| 6 | Odobnoma | O.Hasanboyeva va b. | 2001-2004 |
| 7 | Musiqa | X.Nurmatov va b. | 2001-2003 |
| 8 | Jismoniy tarbiya | K.Mahkamjonov va b. | 2004,2005 |
| 9 | Konstitutsiya alifbosi | O.Karimova va b. | 2001-2003,2005 |
| | **4-sinf** | | |
| 1 | Ona tili | R.Ikromova va b | 2003,2005 |
| 2 | O'qish kitobi | A.Shojalilov va b. | 2003,2005 |
| 3 | Rus tili | R.Tolipova va b. | 2003,2005 |
| 4 | Matematika | M.Ahmedov va b. | 2003,2005 |
| 5 | Matematika (muqobil) | N.Bikbayeva va b. | 2003- 2005 |
| 6 | Tabiatshunoslik | A.Grigoryants va b. | 2003,2005 |
| 7 | Tabiatshunoslik geografik atlasi | Mualliflar guruhi | 2002,2005 |
| 8 | Odobnoma | O.Hasanboyeva va b. | 2001-2005 |
| 9 | Musiqa | O.Ibrohimov va b. | 2003-2005 |
| 10 | Jismoniy tarbiya | K.Mahkamjonov va b. | 2003,2005 |
| 11 | Konstitutsiya alifbosi | O.Karimova va b. | 2003-2005 |
| | **5-sinf** | | |
| 1 | Ona tili | N.Mahmudov va b. | 2004,2005 |
| 2 | Adabiyot | N.Karimov va b. | 2003,2005 |
| 3 | Adabiyot | B.Qosimov va b. | 2003,2005 |
| 4 | Adabiyot-majmua | B.Qosimov va b. | 2004,2005 |
| 5 | Rus tili | R.Tolipova va b. | 2003-2005 |
| 6 | Ingliz tili (Fly Hi) | L.Jo'rayev va b. | 2004,2005 |
| 7 | Ingliz tili (English Matters) | N.Sarikova va b. | 2004,2005 |
| 8 | Olmon tili | Z.Shayxutdinova va b. | 2004,2005 |
| 9 | Fransuz tili | A.Nosirov va b. | 2004,2005 |
| 10 | Arab tili | M.Al-Buxoriy | 2003,2005 |
| 11 | Tarix | Q.Usmonov va b. | 2003,2005 |
| 12 | Vatan tarixidan hikoyalar | B.Ahmedov va b. | 2002,2005 |
| 13 | Matematika | M.Mirzaahmedov va b. | 2003,2005 |
| 14 | Matematikadan mas.to'plami | A.Rahimqoriyev va b. | 2005 |
| 15 | Botanika | O'.Pratov va b. | 2003,2005 |
| 16 | Tabiiy geografiya | P.G'ulomov va b. | 2003,2005 |
| 17 | «Tabiiy geografiya»si atlasi | Mualliflar gruhi | 2002,2005 |
| 18 | Vatan tuyg'usi | X.Sultonov va b. | 2003,2005 |
| 19 | Musiqa | A.Mansurov va b. | 2002-2005 |
| 20 | Jismoniy tarbiya | T.Usmonxo'jayev va b. | 2003,2005 |
| 21 | Konstitutsiya olamiga sayohat | V.Kostetskiy | 2002-2004,2005 |
| | **6-sinf** | | |
| 1 | Ona tili | Mualliflar guruhi | 2005 |
| 2 | Adabiyot | Mualliflar guruhi | 2005 |
| 3 | Rus tili | Mualliflar guruhi | 2005 |
| 4 | Ingliz tili (Fly Hi) | L.Jo'rayev va b. | 2001-2005 |
| 5 | Olmon tili | N.Suxanova va b. | 2002-2005 |
| 6 | Fransuz tili | Z.Abdushukurova va b. | 2002-2005 |
| 7 | Tarix | A.Sa'dullayev va b. | 2003, 2005 |
| 8 | Matematika | Mualliflar guruhi | 2005 |
| 9 | Fizika | N.Turdiyev | 2003, 2005 |
| 10 | Fizika (muqobil) | D.Shodiyev va b. | 2004,2005 |
| 11 | Fizikadan mas.to'pl. | A.Yusupov va b. | 2003,2005 |
| 12 | Botanika | O'.Pratov va b. | 2003, 2005 |
| 13 | Materiklar va okeanlar tabiiy geografiyasi | A.Soatov va b. | 2004-2005 |
| 14 | «Materiklar va okeanlar tabiiy geografiyasi» atlasi | Mualliflar guruhi | 2002,2005 |
| 15 | Vatan tuyg'usi | X.Sultonov va b. | 2002-2005 |
| 16 | Musiqa | S.Begmatov va b. | 2001-2004,2005 |
| 17 | Jismoniy tarbiya | T.Usmonxo'jayev va b. | 2003,2005 |
| 18 | Konstitutsiya olamiga sayohat | V.Kostetskiy | 2002-2004,2005 |
| | **7-sinf** | | |
| 1 | Ona tili | Mualliflar guruhi | 2005 |
| 2 | Adabiyot | Mualliflar guruhi | 2005 |
| 3 | Rus tili | Mualliflar guruhi | 2005 |
| 4 | Ingliz tili (Fly Hi) | L.Soy va b. | 2003-2005 |
| 5 | Ingliz tili (English Matters) | Y.Volkova va b. | 2002-2005 |
| 6 | Olmon tili | N.Suxanova va b. | 2002-2005 |
| 7 | Fransuz tili | V.Buxin | 2002-2005 |
| 8 | O'zbekiston tarixi | Mualliflar guruhi | 2005 |
| 9 | Jahon tarixi | Mualliflar guruhi | 2005 |
| 10 | Algebra | Mualliflar guruhi | 2005 |
| 11 | Geometriya | F.Bahromov va b. | 2003, 2005 |
| 12 | Fizika | Mualliflar guruhi | 2005 |
| 13 | Kimyo | I.Asqarov va b. | 2003, 2005 |
| 14 | Zoologiya | Mualliflar guruhi | 2005 |
| 15 | Geografiya | P.G'ulomov va b. | 2003, 2005 |
| 16 | Milliy istiqlol g'oyasi va ma'naviyat asoslari | M.Qarshiboyev va b. | 2004, 2005 |
| 17 | «O'rta Osiyo va O'zbekiston tabiiy geografik atlasi» | Mualliflar guruhi | 2002,2005 |
| 18 | Musiqa | O.Ibrohimov va b. | 2002-2005 |
| 19 | Tasviriy san'at | A.Sulaymonov va b. | 2002, 2004, 2005 |
| 20 | Jismoniy tarbiya | T.Usmonxo'jayev va b. | 2004-2005 |
| 21 | Konstitutsiya olamiga sayohat | V.Kostetskiy va b. | 2002-2005 |
| | **8-sinf** | | |
| 1 | Ona tili | H.Ne'matov va b. | 2001-2005 |
| 2 | Adabiyot | A.Kattabekov va b. | 2001-2005 |
| 3 | Rus tili | R.Tolipova va b. | 2001-2005 |
| 4 | Ingliz tili (Fly Hi) | L.Jo'rayev, S.Xan va b. | 2003- 2005 |
| 5 | Ingliz tili (English Matters) | U.Li va b. | 2002-2005 |
| 6 | Olmon tili | N.Suxanova va b. | 2004-2005 |
| 7 | Fransuz tili | Z.Abdushukurova va b. | 2003- 2005 |
| 8 | O'zbekiston tarixi | N.Norqulov va b. | 2001-2005 |
| 9 | Jahon tarixi | R.Farmonov va b. | 2001-2005 |
| 10 | O'zbekiston davlat va huquq asoslari | O.Karimova va b. | 2004- 2005 |
| 11 | Iqtisodiy bilim asoslari | E.Sariqov va b. | 2001-2005 |
| 12 | Algebra | Sh.Alimov va b. | 2001-2005 |
| 13 | Geometriya | N.G'aybullayev va b. | 2001-2005 |
| 14 | Informatika va hisoblash texnikasi asoslari | B.Boltayev va b. | 2001-2005 |
| 15 | Fizika | D.Shodiyev va b. | 2001-2005 |
| 16 | Kimyo | Mualliflar guruhi | 2001-2005 |
| 17 | Odam va uning salomatligi | B.Aminov va b. | 2003 |
| 18 | Odam va uning salomatligi (muqobil) | O.Mavlonov va b. | 2004 |
| 19 | Geografiya | P.Musayev va b. | 2003, 2005 |
| 20 | O'zbekiston iqtisodiy va ijtimoiy geografiyasi (muqobil) | A.Soliyev va b. | 2004 |
| 21 | O'zbekiston iqtisodiy va ijtimoiy geografik atlasi | Mualliflar guruhi | 2002, 2005 |
| 22 | O'zbekiston geografik atlasi | Mualliflar guruhi | 1999, 2005 |
| 23 | Milliy istiqlol g'oyasi va ma'naviyat asoslari | M.Qarshiboyev va b. | 2001- 2005 |
| 24 | Chizmachilik | A.Umronxo'jayev | 2002,2003,2005 |
| 25 | Chizmachilik (muqobil) | P.Odilov va b. | 2004-2005 |
| 26 | Jismoniy tarbiya | T.Usmonxo'jayev va b. | 2004 |
| | **9-sinf** | | |
| 1 | Ona tili | H.Ne'matov va b. | 2002,2005 |
| 2 | Adabiyot | N.Karimov va b. | 2002,2005 |
| 3 | Rus tili | Y.Azizxonova va b. | 2002,2005 |
| 4 | Ingliz tili (Fly Hi) | L.Jo'rayev va b. | 2002,2005 |
| 5 | Ingliz tili (English Matters) | N.Gogolitsina | 2003,2005 |
| 6 | Nemis tili | M.Qahhorova va b. | 2005 |
| 7 | Fransuz tili | Mualliflar guruhi | 2005 |
| 8 | O'zbekiston tarixi | G.Hidoyatov va b. | 2002,2005 |
| 9 | Jahon tarixi | M.Lafasov va b. | 2002-2005 |
| 10 | Dunyo dinlari tarixi | U.Jo'rayev va b. | 2002-2003,2005 |
| 11 | Konstitutsiyaviy huquq | V.Kostetskiy va b. | 2002,2005 |
| 12 | Iqtisodiy bilim asoslari | E.Sariqov va b. | 2002,2005 |
| 13 | Algebra | Sh.Alimov va b. | 2002,2005 |
| 14 | Geometriya | N.G'aybullayev va b. | 2002,2005 |
| 15 | Informatika va hisoblash texnikasi asoslari | N.Toyloqov va b. | 2002,2005 |
| 16 | Fizika | D.Shodiyev va b. | 2002,2005 |
| 17 | Anorganik kimyo | I.Asqarov va b. | 2002,2005 |
| 18 | Biologiya (Sitologiya) | A.Zikriyayev va b. | 2002,2005 |
| 19 | Jahon ijtimoiy va iqtisodiy geografiyasi | A.Qayumov va b. | 2002,2005 |
| 20 | Jahon ijtimoiy va iqtisodiy geografiyasi atlasi | Mualliflar guruhi | 2002,2005 |
| 21 | Milliy istiqlol g'oyasi va ma'naviyat asoslari | M.Qarshiboyev va b. | 2002-2005 |
| 22 | Chizmachilik | A.Umronxo'jayev | 2002,2003,2005 |
| 23 | Chizmachilik (muqobil) | P.Odilov va b. | 2004-2005 |
| | **10-sinf** | | |
| 1 | Ona tili | G'.Abdurahmonov va b. | 2003-2005 |
| 2 | Adabiyot | B.Qosimov va b. | 2003-2005 |
| 3 | Adabiyot(majmua) | B.Qosimov va b. | 2003-2005 |
| 4 | Rus tili | R.Tolipova va b. | 2002-2005 |
| 5 | Ingliz tili | J.Jalolov va b. | 2003-2005 |
| 6 | Olmon tili | B.Zardinova va b. | 2004, 2005 |
| 7 | Fransuz tili | A.Nosirov va b. | 2005 |
| 8 | O'zbekiston tarixi | D.Alimova va b. | 2004, 2005 |
| 9 | Jahon tarixi | G.Hidoyatov va b. | 2003- 2005 |
| 10 | Huquqshunoslik | V.Kostetskiy va b. | 2003- 2005 |
| 11 | Iqtisodiyot va biznes asoslari | E.Sariqov va b. | 2004, 2005, |
| 12 | Algebra va analiz asoslari | Sh.Alimov va b. | 2003- 2005 |
| 13 | Geometriya | A.Pogorelov va b. | 2003- 2005 |
| 14 | Informatika va hisoblash texnikasi asoslari | A.Abduqodirov | 2003-2005 |
| 15 | Fizika | M.Shaxmayev va b. | 2003-2005 |
| 16 | Fizikadan masalalar to'plami | A.Rimkeyevich | 2003,2005 |
| 17 | Kimyo | T.Rudzitis va b. | 2003-2005 |
| 18 | Umumiy biologiya | Y.To'raqulov va b. | 2003-2005 |
| 19 | Amaliy geografiya | A.Rafiqov va b. | 2004, 2005 |
| 20 | Milliy istiqlol g'oyasi va ma'naviyat asoslari | M.Qarshiboyev va b. | 2001,2004, 2005 |
| 21 | Chaqiriqqacha yoshlarni tayyorlash | N.Jo'rayev | 2004, 2005 |
| | **11-sinf** | | |
| 1 | Ona tili | G'.Abdurahmonov va b. | 2004, 2005 |
| 2 | Adabiyot | N.Karimov va b. | 2004, 2005 |
| 3 | Adabiyot (majmua) | N.Karimov va b. | 2004, 2005 |
| 4 | Rus tili | R.Tolipova va b. | 2004, 2005 |
| 5 | Ingliz tili | J.Jalolov va b. | 2004, 2005 |
| 6 | Olmon tili | B.Zardinova va b. | 2004 , 2005 |
| 7 | Fransuz tili | A.Nosirov va b. | 2005 |
| 8 | O'zbekiston tarixi | N.Jo'rayev va b. | 2004, 2005 |
| 9 | Jahon tarixi | G.Hidoyatov va b. | 2004, 2005 |
| 10 | Huquqshunoslik | V.Kostetskiy va b. | 2004, 2005 |
| 11 | Iqtisodiyot va biznes asoslari | E.Sariqov va b. | 2004, 2005 |
| 12 | Algebra | Sh.Alimov va b. | 2004, 2005 |
| 13 | Geometriya | A.Pogorelov | 2004, 2005 |
| 14 | Informatika va hisoblash texnikasi asoslari | B.Boltayev va b. | 2004, 2005 |
| 15 | Fizika | M.Shaxmayev va b. | 2004, 2005 |
| 16 | Astronomiya | M.Mamadazimov | 2004, 2005 |
| 17 | Kimyo | A.Muftaxov va b. | 2004, 2005 |
| 18 | Umumiy biologiya | Y.To'raqulov va b. | 2004, 2005 |
| 19 | Sog'lom turmush tarzi asoslari va oila | A.Karimov | 2004, 2005 |
| 20 | Chaqiriqqacha yoshlarni tayyorlash | N.Jo'rayev | 2004, 2005 |
| | **O'quv fani chuqur o'rganiladigan sinflar uchun** | | |
| 1 | Tarix,5-sinf | V.Kostetskiy | 2005 |
| 2 | O'zbekiston tarixi,6-sinf | A.Sagdullayev va b. | 1999-2003 |
| 3 | Jahon tarixi, 6-sinf | A.Kabirov va b. | 2001-2002 |

(Давоми 8-бетда)

(Давоми. Боши 7-8-9-бетларда)

| | | | |
|---|---|---|---|
| | **10-синф** | | |
| 1 | Ўзбек тили | М.Тўхтамирзаев | 2005 |
| 2 | Туркман тили | П. Азимов | 1992 |
| 3 | Туркман адабиёти | О. Абдуллаева | 1994 |
| 4 | Адабиёт (мажмуа) | Н. Аширов | 1997 |
| 5 | Рус тили | Р. Толипова | 2004,2005 |
| 6 | Француз тили | А.Носиров ва б. | 2005 |
| 7 | Жаҳон тарихи | Г.Ҳидоятова | 2005 |
| 8 | Ўзбекистон тарихи | Д.Алимова ва б. | 2005 |
| 9 | Хуқуқшунослик | В.Костецкий | 2005 |
| 10 | Немис тили | Б.Зардинова ва б. | 2005 |
| 12 | Инглиз тили | Ж.Жалолов ва б. | 2005 |
| 13 | Алгебра | Ш. Алимов ва б. | 2004, 2005 |
| 14 | Геометрия | А. Погорелов | 2005 |
| 15 | Физика | М.Шахмаев | 2004, 2005 |
| 16 | Химия | Г.Рудзитис ва б. | 2004, 2005 |
| 17 | Амалий география | А.Рафиқов | 2005 |
| 18 | Биология | Ё. Тўрақулов ва б. | 2005 |
| 19 | Информатика | А. Абдуқодиров | 2004, 2005 |
| 20 | Иқтисодиёт ва бизнес асослари | Э. Сариқов ва б. | 2004, 2005 |
| | **11-синф** | | |
| 1 | Ўзбек тили | Муаллифлар гуруҳи | 2005 |
| 2 | Туркман тили | П. Азимов | 1992 |
| 3 | Туркман адабиёти | О. Абдуллаева | 1994 |
| 4 | Адабиёт (мажмуа) | Н. Аширов | 1997 |
| 5 | Рус тили | Р. Толипова | 2005 |
| 6 | Француз тили | А.Носиров ва б. | 2005 |
| 7 | Немис тили | Б.Зардинова ва б. | 2005 |
| 8 | Инглиз тили | Ж.Жалолов | 2005 |
| 9 | Жаҳон тарихи | Г.Ҳидоятова ва б. | 2005 |
| 10 | Ўзбекистон тарихи | Н.Жўраев | 2005 |
| 11 | Ҳуқуқшунослик | В.Костецкий | 2005 |
| 12 | Информатика | Б.Болтаев ва б. | 2005 |
| 13 | Иқтисодиёт ва бизнес асослари | Э. Сариқов ва б. | 2005 |
| 14 | Алгебра | Ш. Алимов ва б. | 2005 |
| 15 | Геометрия | А. Погорелов | 2005 |
| 16 | Физика | М.Шахмаев | 2005 |
| 17 | Астрономия | М.Мамадазимов | 2005 |
| 18 | Химия | А.Муфтахов ва б. | 2005 |
| 19 | Биология | Ё. Тўрақулов ва б. | 2005 |

## Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан таълим қирғиз тилида олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактаблари учун 2005-2006 ўқув йилида қўллашга тавсия этилган дарслик ва ўқув қўлланмалар

## РЎЙХАТИ

| Т.р | Дарслик ва ўқув қўлланма номи | Муаллиф | Тавсия этилган йили |
|---|---|---|---|
| | **1-синф** | | |
| 1 | Алифбе | М.Исмоилова ва б | 2004,2005 |
| 2 | Ёзув дафтари | Б.Рисбекова | 2004,2005 |
| 3 | Она тили ва ўқиш китоби | Қ.Абдуллаева ва б | 2003,2005 |
| 4 | Математика | М.Аҳмедов ва б. | 2003,2005 |
| 5 | Математика дафтари | М.Аҳмедов ва б. | 2004,2005 |
| 6 | Атрофимиздаги олам | А.Григорьянц | 2003, 2004 |
| 7 | Одобнома | О.Ҳасанбоева | 2004, 2005 |
| 8 | Конституция алифбоси | О.Каримова | 2002, 2005 |
| 9 | Тасвирий санъат | Р.Ҳасанов | 2003, 2004 |
| 10 | Мусиқа алифбоси | Х.Нурматов ва б. | 2003, 2004 |
| | **2-синф** | | |
| 1 | Ўзбек тили | Р.Толипова ва б. | 2004 |
| 2 | Қирғиз тили | С.Рисбоев ва б. | 2004 |
| 3 | Ўқиш китоби | М.Исмоилова ва б. | 2003, 2004,2005 |
| 4 | Рус тили | Р.Толипова ва б | 2004 |
| 5 | Математика | Н.Бикбаева ва б | 2004 |
| 6 | Атрофимиздаги олам | А.Григорьянц | 2004 |
| 7 | Одобнома | Қ. Абдуллаева ва б. | 2004, 2005 |
| 8 | Конституция алифбоси | О.Каримова | 2003-2005 |
| 9 | Мусиқа | Х.Нурматов ва б. | 2005 |
| | **3-синф** | | |
| 1 | Ўзбек тили | А.Рафиев ва б. | 2004 |
| 2 | Қирғиз тили | С.Рисбоев | 2004 |
| 3 | Ўқиш китоби | А.Тўхтамамбетов | 2004,2005 |
| 4 | Рус тили | Р.Толипова ва б | 2004 |
| 5 | Математика | Н.Бикбаева ва б | 2004 |
| 6 | Табиатшунослик | А.Григорьянц | 2004 |
| 7 | Одобнома | О.Ҳасанбоева | 2004, 2005 |
| 8 | Конституция алифбоси | О.Каримова | 2003-2005 |
| 9 | Мусиқа | Х.Нурматов ва б. | 2005 |
| | **4-синф** | | |
| 1 | Ўзбек тили | Р. Толипова ва б. | 2004 |
| 2 | Қирғиз тили | Б.Уматалиев ва б. | 2004 |
| 3 | Ўқиш китоби | А.Тўхтамамбетов | 2005 |
| 4 | Рус тили | Р.Толипова | 2000-2004,2005 |
| 5 | Математика | Н.Бикбаева ва б. | 2004 |
| 6 | Табиатшунослик | А.Григорьянц | 2004 |
| 7 | Одобнома | О.Ҳасанбоева | 2004, 2005 |
| 8 | Конституция алифбоси | О.Каримова | 2003-2005 |
| 9 | Мусиқа | О.Ибрагимов ва б. | 2005 |
| | **5-синф** | | |
| 1 | Ўзбек тили | Р.Толипова ва б. | 2003,2004,2005 |
| 2 | Қирғиз тили | А.Зулпихаров | 2005 |
| 3 | Адабиёт | А.Зулпихаров | 2005 |
| 4 | Рус тили | Р.Толипова ва б. | 2000-2003,2005 |
| 5 | Инглиз тили | Л.Жўраев ва б. | 2000-2005 |
| 6 | Немис тили | З.Шайхуддинова ва б. | 2000-2005 |
| 7 | Француз тили | А.Носиров ва б. | 2002-2005 |
| 8 | Тарихдан ҳикоялар | Қ.Усмонов ва б. | 2005 |
| 9 | Конституция оламига саёҳат | В.Костецкий | 2005 |
| 10 | Математика | М.Мирзааҳмедов | 2005 |
| 11 | Ботаника | Ў.Пратов ва б. | 2004, 2005 |
| 12 | Табиий география бошланғич курси | П.Ғуломов | 2004, 2005 |
| 13 | Ватан туйғуси | Х.Султонов ва б. | 2003-2005 |
| | **6-синф** | | |
| 1 | Ўзбек тили | Муаллифлар гуруҳи | 2005 |
| 2 | Қирғиз тили | Муаллифлар гуруҳи | 2005 |
| 3 | Адабиёт | Муаллифлар гуруҳи | 2005 |
| 4 | Рус тили | Муаллифлар гуруҳи | 2005 |
| 5 | Книга для чтения | О.Смирнова | 2000 |
| 6 | Инглиз тили | Л.Жўраев ва б. | 2000-2005 |
| 7 | Немис тили | Н.Суханова ва б. | 2002-2005 |
| 8 | Француз тили | З.Абдушукурова ва б. | 2002-2005 |
| 9 | Тарих | А.Сагдуллаев ва б. | 2005 |
| 10 | Конституция оламига саёҳат | В.Костецкий | 2004,2005 |
| 11 | Математика | Муаллифлар гуруҳи | 2005 |
| 12 | Физика | Н.Турдиев | 2005 |
| 13 | География | А. Соатов ва б. | 2005 |
| 14 | Ботаника | Ў.Пратов ва б. | 2004, 2005 |
| 15 | Ватан туйғуси | Х.Султонов ва б. | 2003-2005 |
| | **7-синф** | | |
| 1 | Ўзбек тили | Муаллифлар гуруҳи | 2005 |
| 2 | Қирғиз тили | Муаллифлар гуруҳи | 2005 |
| 3 | Биздин адабиёт | Муаллифлар гуруҳи | 2005 |
| 4 | Рус тили | Муаллифлар гуруҳи | 2005 |
| 5 | Инглиз тили | Е.Волкова ва б. | 2002,2004,2005 |
| 6 | Инглиз тили | Л.Жўраев ва б. | 2003,2004,2005 |
| 7 | Немис тили | Н.Суханова ва б. | 2002-2004,2005 |
| 8 | Француз тили | В.Бухин, А.Носиров ва б. | 2002-2004,2005 |
| 9 | Ўзбекистон тарихи | Муаллифлар гуруҳи | 2005 |
| 10 | Жаҳон тарихи | Муаллифлар гуруҳи | 2005 |
| 11 | Конституция оламига саёҳат | В.Костецкий | 2003-2005 |
| 12 | Алгебра | Муаллифлар гуруҳи | 2005 |
| 13 | Геометрия | Ф.Баҳромов ва б. | 2005 |
| 14 | Физика | Муаллифлар гуруҳи | 2005 |
| 15 | Физикадан масалалар тўплами (7-8-с.) | В.Лукашев ва б. | 1992 |
| 16 | Химия | И.Асқаров | 2005 |
| 17 | Зоология | Муаллифлар гуруҳи | 2005 |
| 18 | География | П.Ғуломов ва б. | 2005 |
| 19 | Миллий истиқ. ғояси ва маъна. асослари | М.Қаршибоев ва б. | 2004, 2005 |
| 20 | Ўзбекистон географик атласи | Муаллифлар гуруҳи | 1999,2005 |
| 21 | Тасвирий санъат | А.Сулаймонов ва б. | 2005 |
| | **8-синф** | | |
| 1 | Ўзбек тили | Р. Йўлдошев ва б. | 2002-2005 |
| 2 | Қирғиз тили (8-9-с.) | А. Сапарбоев ва б. | 2000 |
| 3 | Қирғиз тили (8-9-с.) | Б. Омуралиев | 1992 |
| 4 | Қирғиз адабиёти | Ш.Мусаев ва б. | 2000 |
| 5 | Қирғиз адабиёти | И.Исакова ва б. | 2001 |
| 6 | Рус тили | Р.Толипова | 2003-2005 |
| 7 | Литературные чтения | К. Мальцева | 1992-1993 |
| 8 | Инглиз тили | У.Ли ва б. | 2002-2003,2005 |
| 9 | Инглиз тили | Л.Жўраев ва б. | 2003-2005 |
| 10 | Немис тили | Н.Суханова ва б. | 2004, 2005 |
| 11 | Француз тили | З.Абдушукурова ва б. | 2004, 2005 |
| 12 | Ўзбекистон тарихи | Н. Норқулов | 2005 |
| 13 | Жаҳон тарихи | Р. Фармонов | 2004, 2005 |
| 14 | Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқи асослари | О.Каримова ва б. | 2004, 2005 |
| 15 | Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари | М.Қаршибоев ва б. | 2004, 2005 |
| 16 | Иқтисодий билим асослари | Э.Сариқов ва б. | 2003-2005 |
| 17 | Информатика ва ҳисоблаш техникаси | Б.Болтаев ва б. | 2003-2005 |
| 18 | Алгебра | Ш. Алимов | 2003- 2005 |
| 19 | Геометрия | Н. Ғайбуллаев | 2003- 2005 |
| 20 | Физика | Д.Шодиев ва б. | 2003-2005 |
| 21 | Физикадан масалалар тўплами (7-8-с.) | В.Лукашек ва б. | 1992 |
| 22 | Химия | М.Нишонов ва б. | 2003, 2005 |
| 23 | Химия масалалар тўплами (6-11-с.) | Я.Гольдфарб ва б. | 1998 |
| 24 | Ўзбекистон иқтисодий географияси | П.Мусаев ва б. | 2005 |
| 25 | Ўзбекистон географик атласи | Муаллифлар гуруҳи | 1999 |
| 26 | Одам ва унинг саломатлиги | Муаллифлар гуруҳи | 2005 |
| 27 | Чизмачилик | П.Одилов ва б. | 2004-2005 |
| | **9-синф** | | |
| 1 | Ўзбек тили | М. Усмонова | 2000-2005 |
| 2 | Қирғиз тили (8-9-с.) | Б. Умуралиев ва б. | 2000 |
| 3 | Қирғиз адабиёти | Б.Алимов ва б. | 2000 |
| 4 | Рус тили | Ю.Азизхонова | 2002,2005 |
| 5 | Инглиз тили | Л.Жўраев ва б. | 2002-2003,2005 |
| 6 | Немис тили | М.Қаххорова | 2005 |
| 7 | Немис тили (9-11-с.) | А. Джолдошбеков | 1991 |
| 8 | Француз тили | А.Носиров ва б. | 2005 |
| 9 | Ўзбекистон тарихи | Г.Ҳидоятов ва б. | 2004 |
| 10 | Жаҳон тарихи | М. Лафасов | 2004, 2005 |
| 11 | Конституциявий ҳуқуқ асослари | Тансиқбоева ва б. | 2005 |
| 12 | Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари | М.Қаршибоев ва б. | 2004, 2005 |
| 13 | Иқтисодий билим асослари | Э.Сариқов | 2003-2005 |
| 14 | Информатика | Т.Тойлоқов | 2004, 2005 |
| 15 | Алгебра | Ш.Алимов | 2004,2005 |
| 16 | Геометрия | Н.Ғайбуллаев ва б. | 2004, 2005 |
| 17 | Геометрия (7-11-с.) | А. Погорелов ва б. | 1994-1996 |
| 18 | Физика | Д.Шодиев ва б. | 2003-2005 |
| 19 | Физикадан масалалар тўплами(9-11-с.) | М. Римкевич | 1992 |
| 20 | Химия | И.Асқаров ва б. | 2004, 2005 |
| 21 | Дунё динлари тарихи | У.Жўраев ва б. | 2005 |
| 22 | Жаҳон ижтимоий ва иқтисодий географияси | А.Қаюмов ва б. | 2005 |
| 23 | Биология | А.Зикряев ва б. | 2005 |
| 24 | Чизмачилик | П.Одилов ва б. | 2004-2005 |
| | **10-синф** | | |
| 1 | Ўзбек тили | М.Тўхтамирзаев | 2005 |
| 2 | Қирғиз тили (10-11-с.) | Б.Умуралиев ва б. | 2000 |
| 3 | Адабиёт (10-11-с.) | Қ.Ортиқбоев ва б. | 1999 |
| 4 | Рус тили | Р. Толипова | 2004, 2005 |
| 5 | Русская литература | Л.Шейман | 1992-1993 |
| 6 | Инглиз тили | Ж.Жалолов | 2005 |
| 7 | Олмон тили | Б.Зардинова | 2005 |
| 8 | Француз тили | А.Носиров ва б. | 2005 |
| 9 | Ўзбекистон тарихи | Д. Алимова ва б. | 2005 |
| 10 | Жаҳон тарихи | Г. Ҳидоятов | 2005 |
| 11 | Хуқуқшунослик | В.Костецкий | 2005 |
| 12 | Алгебра | Ш. Алимов | 2004, 2005 |
| 13 | Геометрия (7-11-с:) | А. Погорелов ва б. | 1994-1996 |
| 14 | Информатика | Абдуқодиров ва б. | 1998 |
| 15 | Физика | Н.Шахмаев | 2004, 2005 |
| 16 | Химия | Г.Рудзитис | 2004, 2005 |
| 17 | Умумий биология | Ё. Тўрақулов | 2004 |
| 18 | Иқтисодий ва бизнес асослари | Э.Сариқов ва б. | 2004, 2005 |
| 19 | Амалий география | А. Рафиқов ва б. | 2005 |
| | **11-синф** | | |
| 1 | Қирғиз тили (10-11-с.) | Б.Умуралиев ва б. | 1999 |
| 2 | Қиргиз адабиети (10-11-с.) | Қ.Ортиқбоев ва б. | 2000 |
| 3 | Рус тили | Р. Толипова | 2000-2003,2005 |
| 4 | Русская литература | Л.Шейман | 1993-1999 |
| 5 | Инглиз тили | Ж.Жалолов | 2005 |
| 6 | Немис тили | Б.Зардинова | 2005 |
| 7 | Француз тили | З.Абдушукуров | 2005 |
| 8 | Ўзбекистон тарихи | Н. Жўраев ва б. | 2005 |
| 9 | Жаҳон тарихи | Г. Ҳидоятов | 2005 |
| 10 | Хуқуқшунослик | В.Костецкий | 2005 |
| 11 | Информатика | Б.Болтаев ва б. | 2005 |
| 12 | Алгебра (10-11-с.) | Ш. Алимов | 2005 |
| 13 | Геометрия (7-11-с.) | А.Погорелов | 2005 |
| 14 | Умумий биология | Ё. Тўрақулов ва б. | 2000,2005 |
| 15 | Физика | Н.Шахмаев ва б. | 2005 |
| 16 | Астрономия | М.Мамадазимов | 2005 |
| 17 | Химия | А.Муфтахов ва б. | 2005 |
| 18 | Иқтисод ва бизнес асослари | Э.Сариқов ва б. | 2005 |
| 19 | Иқтисод ва бизнес амалий машғулоти | Э.Сариқов ва б. | 2005 |

*Matematik misol, masalalarni yechishda bola boshqa fanlar bilan shug'ullanganga nisbatan ko'proq mashaqqat chekadi, mantiqiy bog'lanishlarni idrok etish ham katta aqliy quvvat talab qiladi. Matematikada har bir ishning aniq natijasi chiqishi shart, shuning uchun necha bor o'lchab, hisob-kitob qilib, keyin xulosa chiqariladi.*



# XXI АСР: ОДАМЛАРИ, ОДИМЛАРИ



***Аниқ фанлардан дарс берадиган муаллимларнинг табиатида... назаримда, нозик туйғуларга ўрин йўқдек, дунё ва одамларга муносабатлари ҳам икки карра иккининг кўпайтмаси каби аниқ, чегаралангандек. Аслида...***

***Фарғона вилояти Бағдод туманидаги 22-мактабнинг математика-информатика фани муаллими Тўлқин Каримов билан суҳбатлашган сайин унинг қалбидаги кенг маъноли Муҳаббатнинг тафти, ҳарорати, қудратини ҳис этасиз гўё. Тинимсиз меҳнат, изланиш, маҳорат ана шу Муҳаббат дарахтининг бақувват шохлари. Меваларидан бир шингили:***

***1997 йилдан буён Тўлқин Каримовнинг ўқувчилари фан олимпиадаларининг туман, вилоят босқичларида энг юқори ўринларни эгаллаб келадилар;***

***1999 йили Москвада чиқадиган "Квант" журнали эълон қилган танловда ҳам унинг шогирдлари ғолиб бўлдилар;***

***2001 йили 6-синф ўқувчиси Тўлқин Раҳимов "Тонг юлдузи" газетасида эълон қилинган сиртқи олимпиадада биринчи ўринни эгаллади;***

***Эркинжон Каримов яқинда Берлиндаги математика-информатика институтининг стипендианти бўлди. Эркинжон — Тўлқин Каримовнинг ўқувчиси, шогирди, ўғли...***

**— Математика — фанларнинг гултожи деса арзийди, энг мураккаб фанлардан бири. Ҳаммада ҳам математик қобилият, иқтидор бўлавермайди...**

— Бошланғич синф ўқувчиларининг 45—50 фоизида математикага лаёқат бўлади, фақат уни аниқлаш, англаш керак, — деб фикримни шарҳлай бошладилар устоз. — Лекин болага қуруқ мисол, масалаларни ўқиб бериб, ечимини талаб қилсангиз, қизиқарли эмас. Баъзида шеър, ҳикоя тарзида масала тузамиз. "Сеҳрли рақамлар", "Қизиқарли математика" китобларидан мунтазам равишда фойдаланамиз.

*Бугундан кўра истиқболли эртанги кунни тасаввур этиш, унга олиб борадиган йўлларни англаш ҳамда шу йўлда ўз ўрни ва ҳиссасини аниқ белгилаб яшаш, ишлаш, таълим-тарбия бериш чин устозликнинг моҳияти шундай эмасми?*

*Республикамиз мустақилликка эришиб, ўқитувчиларнинг ижодий изланишлари, таълим-тарбиянинг энг самарали услубларини танлаб ўқитишлари учун имкониятлар вужудга келгач, бундан биринчи навбатда ўз касби масъулияти, шарафини чуқур ҳис этганлар фойдаландилар.*

— 1993 йили туманимизда республикада биринчи бўлиб якшанбалик мактаб ташкил қилдик. Марказдаги 17-мактабга барча иқтидорли болалар дам олиш куни йиғиладиган, уларга она тили ва адабиёти, математика фанларидан чуқурлаштирилган дарс ўтиладиган бўлди. "Якшанбада бола дам олмайдими?" дейдиганлар йўқ эмасди. Лекин ўзи севган фани билан шуғулланиш иқтидорли ўқувчилар учун қанчалар завқли эканлигини кўрсангиз эди. Мен эса, ана шундай болалар билан ишлаб, чарчамайман...

**— Математикага чуқур қизиққан болалар, қандайдир... тенгдошларига нисбатан вазмин, каттароқдай тутадилар ўзларини...**

— Бунинг сабаби шундаки, математик мисол, масалаларни ечишда бола бошқа фанлар билан шуғулланганга нисбатан кўпроқ машаққат чекади, мантиқий боғланишларни идрок этиш ҳам катта ақлий қувват талаб қилади. Математикада ҳар бир ишнинг аниқ натижаси чиқиши шарт, шунинг учун неча бор ўлчаб, ҳисоб-китоб қилиб, кейин хулоса чиқарилади.

**— Мана шундай машаққатдан бола чарчаб, безиб қолмаслиги учун нима қиласиз?**

— Каттами, кичикми, боланинг ҳар қандай истеъдоди рағбатлантирилиши керак. Бу борада айримларнинг "Бола ниманингдир илинжида ўқийдиган бўлмаслиги керак", деган фикрлариям бор. Лекин, бола—бола-да! Айниқса, бошланғич синф ўқувчилари ўқитувчининг мақтови, рағбатидан кейин яна ҳам яхши ўқишга ҳаракат қиладилар. Совға китоб, қаламлар, расм дафтар бўлиши мумкин. Муҳими, ўқувчининг истеъдоди, қобилияти тўла намоён бўлиши, ривожланиши учун йўл топиш.

*90-йилларнинг бошларида Фарғона ҳамда Қўқон педагогика олий ўқув даргоҳлари олимлари билан учрашиб, **"Нима қилсак бизнинг ўқувчиларимиз талабаликка тайёр бўлиб келадилар?"** — деб фикр олган ҳам Тўлқин Каримов эди. Жавоб шундай бўлганди: **"Фанни мукаммал ўргатинглар".***

*Кейинги пайтларда "Кўпчилик ота-оналар ўз фарзандларининг ўқишига беэътибор бўлиб бораяптилар", деган гапни тез-тез эшитамиз. Аслида, агар мактаб ўқитувчилари жонкуяр бўлсалар, чуқур билим беришга интилсалар, уларни қўллаб-қувватлайдиган ота-оналар ҳам кўп бўлади. Тўлқин Каримовнинг ўқувчилари вилоятда, республикада туман шарафини кўтарғани сайин, ҳар йили олий ўқув даргоҳларига юқори баллар билан қабул қилинаётганлари туфайли, мактабни, иқтидорли ўғил-қизларни рағбатлантиришга тадбиркорлар, жамоа хўжаликлари ҳам ҳисса қўша бошладилар.*

*Туманда халқ маорифига муносиб меҳнати сингган марҳум ўқитувчилар хотирасига бағишлаб олимпиадалар ўтказиш анъана тусига кирди.*

— Айниқса, ўзимнинг марҳум ўқитувчим хотирасига бағишлаб мактабда ёш математиклар беллашувини ўтказганимиздан сўнг, устознинг руҳи қўлладими, ишларимиз яна ҳам юришиб кетди.

*Тўлқин Каримов ишлайдиган даргоҳ — қишлоқнинг оддий мактаби. Лекин унда илм осмонига парвозга тайёрланадиган ўқувчиларнинг қанотлари шу қадар чайир, мустаҳкамки!..*

*2001 йили Эркин Бакиров математика бўйича Халқаро олимпиадада қатнашди;*

*Одилжон Маликовнинг билимлари америкалик тенгдошлари билан партадош бўлиб ўқиб келишига имкон берди.*

**— Болаларимизнинг асосий қисми оддий мактабларда ўқишади. Лекин, олий таълим даргоҳларига талабаликка қабул қилинаётганларнинг 80—85 фоизи лицейлар битирувчилари. Бугунги кунда оддий мактабларда таълим сифатини ошириш йўллари...**

— Бунинг учун фидойилар керак. Биз мана шу ишларнинг барчасини оддий мактабда бошлаганмиз. Яна бир мулоҳаза: эркакларга нисбатан аёл муаллималар фидойироқ, ўз касбига садоқатлироқ экан. Уларнинг айримларига таъзим қилсанг арзийди. Оилаларида кўпчилик оналар ҳамон ўз қизлари тарбиясини маҳкам ушлаяптилар, лекин аксарият оталарнинг ўғиллари билан шуғулланишга ё вақти, ё ҳафсаласи йўқ, бу ҳақда ўйлаб кўрмайдиганлар ҳам топилади.

Шундай пайтда мактабларда ҳам эркак ўқитувчиларнинг ноёб бўлиб қолгани ўғил болалар таълим-тарбиясига салбий таъсир қилади-да! Мен энг яхши ўқувчиларимни ўқитувчиликка йўналтираман, чунки жамият ривожини билимли, изланувчан, дунёқараши кенг ўқитувчиларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

"Иш бор жойда камчилик бор", деганларидек, астойдил ишлаётган одамгина тараққиёт, мақсадларга етиш йўлидаги ғовлар, камчиликларни кўра олади.

*«Бошланғич синфларнинг математика дарсликлари жуда мураккаб, 4-синфни битирган болаларни имтиҳон қилиб кўриш керак-да, натижаларга асосланиб дарсликларни таҳрир этиш зарур...»*

*Айни фикрни фақат Тўлқин Каримов эмас, бошқа ўқитувчилар, ота-оналар ҳам айтишади, демак, бунга асос бор.*

— Яна бир жиддий муаммо — мактабга тинмай текширувчилар — комиссия келавериши. Тадбиркорлар, корхоналар ишини текширувчилар йилда бир марта келиши қонуний қилиб қўйилган. Лекин, мактабда баъзан уларнинг кети узилмайди, хотиржам ишлашга имкон беришмайди. Майли, келсин, йилда бир-икки марта обрўли комиссия келиб, фойдали маслаҳатларни бериб кетсинлар.

*Дарҳақиқат, Тўлқин Каримовнинг жон куйдириб айтган бу фикри бошқа ўқитувчиларнинг ҳам кўнглидаги гап. Тасаввур қилинг: ўз қадрини, ўз ишини яхши билган, мақсадлари аниқ, кунлари режаланган инсон учун ҳар соат, дақиқаларгача қимматли. Ўқувчига билим бериш ўрнига расмият учун қоғозлар тўлдириш, ўзи ойдай равшан бўлган нарсалар ҳақида тинмай баҳслашавериш кимга ёқади?*

*Ўз мақсадларига муносиб — маънавий куч-қуввати кўзлари, сўзларида ярақлаб турган устоз — Ўзбекистон халқ таълими аълочиси, "Дўстлик" ордени соҳиби Тўлқин Каримовнинг фикр-мулоҳазаларини тинглаганим сайин унинг ҳамқишлоқлари, ҳамкасбларига, айниқса, муаллимнинг билим ва ҳаёт сабоқларидан баҳраманд бўлаётган ўқувчиларига ҳавасим келди.*

*Яқинда устоз меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан яна бир карра тақдирланди: Тўлқин Каримов **"Ўзбекистон халқ ўқитувчиси"** унвонига сазовор бўлди.*

*Бундан ўн йилгина муқаддам ўз фарзандларининг иқтидор, қобилиятлари рўёбга чиқиб вилоят, республика, дунёнинг обрўли илм даргоҳларига шаҳдам кириб боришларини ҳатто хаёлига келтирмаган қишлоқ аҳолисининг фахру ифтихорини тасаввур этиш қийин.*

*Биз улуғ Истиқлол қудрати, салоҳиятини миллату Ватан келажагини тараққиётга етакловчи мана шундай мезонлар билан англамоғимиз, баҳоламоғимиз, қадрламоғимиз керак.*

**Муҳтарама УЛУҒ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими**

# ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритган вақтдан бошлаб, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш йўлини танлаб олган ҳолда, мазкур йўналишнинг ҳуқуқий асосини яратиш ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида катта ишларни олиб бормоқда. Бундай ёндашув давлат сиёсатининг асосий вазифасига айланди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси инсон ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини ислоҳ этишда, жумладан, суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга оширишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Конституциянинг муқаддимасидаёқ, инсон ҳуқуқларига демократия ва ижтимоий адолатга содиқлик, инсонпарварлик, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш мақсади таъкидланган.

Ана шу ғоялар асосида ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида Ўзбекистоннинг ўзига хос ва мос бўлган йўли танлаб олинди.

Фуқароларнинг Конституция ва қонунлар билан кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда ривожланган давлатлардаги сингари Ўзбекистонда ҳам суд ҳокимиятига алоҳида масъулият юклатилган. Конституцияда давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципи эътироф этилиб, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши, суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва ҳокимиятнинг бошқа тармоқларидан мустақил фаолият кўрсатиши белгилаб қўйилди.

Мустақиллигимизнинг ўтган 13 йили мобайнида Конституциямиз негизида жамият ва давлат ҳаётини эркинлаштириш, ижро ҳокимияти тизимини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, шунингдек, жамият ҳаётининг бошқа соҳаларини ривожлантириш мақсадида катта ўзгаришлар амалга оширилди.

**Умид МЕЛИБОЕВ,**
**Тошкент давлат техника университети талабаси**

# ЎҚИТУВЧИЛАР УЧУН КЎРГАЗМА

Андижон вилояти педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида рангтасвир устаси Обиджон Бакировнинг ижодий асарлари кўргазмаси бўлди. Андижонлик мусаввир узоқ йиллардан бери самарали ижод қилиб, 200дан ортиқ асар яратган. Унинг "Андижонда баҳор", "Настарин", "Раққоса" каби бир қатор асарлари имперессионизм услубида ишланган бўлиб, у кўргазмага ташриф буюрган ўқитувчиларда катта таассурот қолдирмоқда. Мактаб дастурида шу йўналиш бўйича маълумот беришни ҳисобга олган ҳолда ўқувчиларни О.Бакиров кўргазмасига қишки таътил кунлари олиб келиш режалаштирилмоқда.

**М.МЕЛИБОЕВА**

Sana

# ЙИЛМА-ЙИЛ ЮКСАЛИШ

***Ҳар бир таълим даргоҳи — хоҳ мактаб, хоҳ лицей, хоҳ коллеж ёки институт бўлсин, ўз тарихига эгадир. Йиллар ўтгани сари бу масканнинг ёшига ёш қўшилади, собиқ ўқувчилари хотирасига муҳрланади. Юртимизда таълим даргоҳларининг ўз йирик санасини нишонлаш анъанаси қарор топганки, бу тарихга назар солиш, узоқ йиллар мобайнидаги таълим жараёнига бир сидра холис нигоҳ ташлаш, ўтганларни ёд этиш, келгусидаги режаларни белгилаб олишга ҳам имкон беради. Қорақалпоқ диёридаги Нукус давлат педагогика институти ўзининг 70 йиллигини нишонлаш арафасида турибди. Шу муносабат билан институт ректори, биология фанлари доктори, профессор Озод Матчонов қуйидагиларни ҳикоя қилади:***



— Институтимиз Қорақалпоқ ўлкасидаги қалдирғоч олий ўқув юртидир. Унга 1934 йили асос солинган. Бу даргоҳ кўп йиллар давомида нафақат Қорақалпоғистон Республикаси учун, балки қўшни Хоразм вилояти, Туркманистон давлати учун ҳам олий маълумотли педагог кадрларни тайёрлаб беришга хизмат қилган. Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимига қарашли илмий-тадқиқот институтлари, бир қанча илмий марказларнинг шаклланишида ҳам институт ўзига хос база вазифасини ўтаган. Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетига ҳам педагогика институтида замин яратилган. Фақат таълим соҳасидагина эмас, халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун хизмат қиладиган минглаб малакали мутахассислар, юртимиз эъзозлаган давлат арбоблари ана шу институтда таҳсил олганлигидан ғурурланамиз. Қорақалпоғистонлик Ўзбекистон Қаҳрамонлари ҳам собиқ талабаларимиздир. Дастлаб иккита факультет асосида ташкил топган ўқитувчилар институти кейинчалик педагогика институти бўлиб шаклланиб, ривож топиб, борабора Ўзбекистоннинг олий педагогика таълим юртлари орасида олдинги ўринларда турувчи Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика олий ўқув юртига айланди.

Президентимиз Ислом Каримов "Биз учун истиқлол — миллатимиз, мамлакатимизнинг жаҳонда обрў-эътибори, шоншавкатини кўтарадиган соғлом авлодни, ҳар жиҳатдан баркамол ва фидойи ўғил-қизларни тарбиялаш, уларни вояга етказиш ва бахтини кўришдир. Ҳар бир фуқаромиз учун — миллати, ирқи ва диний эътиқодидан қатъи назар эркинлик, тенглик, биродарлик, муносиб шароит яратиб беришдир", деган эди. Эътироф этилган юксак эзгу мақсадлар ва муқаддас вазифаларни амалга оширишга катта имкониятлар яратиб берган мустақиллик халқимизнинг энг буюк неъматидир, деб ҳисоблайман. Мустақиллик йилларида давлатимиз томонидан таълим соҳасига қаратилган катта эътибор натижасида институтимизда ҳам улкан ижобий ўзгаришлар юз берди. Аввало моддий-техник база мустаҳкамланди. Қатор янги мутахассисликлар ташкил қилиниб, талабаларни ҳозирги замон тақозо этганидек ўқитишга, ўқув жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этишга эътибор берилмоқда. Сўнгги йилларда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг биринчи босқичида бажарилган ишлар давом эттирилиб, иккинчи босқич вазифаларини ижро этиш юзасидан ўқув-тарбиявий, маънавий-маърифий ва илмий тадқиқот ишларини юқори даражада олиб бориш учун моддий-техник базани янада мустаҳкамлаш, ўқув-лабораторияларини янги жиҳозлар билан таъминлаш, таълимни компьютерлаштириш зарурати келиб чиқди. Бунга эришяпмиз ҳам. Аввало таълим йўналишларининг бугунги кун талаблари даражасида ташкил этилишига муваффақ бўлдик. 22 та бакалавриат таълим йўналиши ва 3 та магистратура мутахассисликлари бўйича педагог кадрлар тайёрланмоқда. Жами 5494 нафар талаба таълим оляпти. Кундузги бўлимда 11 та факультет, сиртқи, махсус сиртқи ва 2002—2003 ўқув йилидан бошлаб магистратура бўлимлари фаолият юритяпти. 36 та кафедрада 420 нафар профессор-ўқитувчи меҳнат қилади. Улардан 1 нафари академик, 18 киши фан доктори, 105 нафари фан номзодидир.

2001—2004 йиллар орасида 2 та докторлик ва 20 та номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди.

Таълим билан тадқиқотни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Профессор-ўқитувчилар муайян мавзу устидаги изланишларини давом эттириб, таълим жараёнини янада чуқурлаштиришга эришмоқдалар. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги фан ва технологиялар маркази танловида институт олимлари томонидан тайёрланган 9 та илмий лойиҳа ғолиб чиқиб, давлат гранти асосида изланишлар бошлаб юборилган. Шунингдек, "НАТО илм-фан ва тинчлик учун" Европа гранти лойиҳаси устида Германия, Россия, Қозоғистон олимлари билан ҳамкорлик қиляпмиз.

Талабаларимизнинг ютуқлари институтга фахр-ифтихор келтиради. Бунинг учун турли имкониятлар ахтарилиши керак. 2003 йилда талабаларимиздан бири Президент стипендиясига сазовор бўлган эди. 2 нафар талаба "Ниҳол" мукофоти совриндорлигини қўлга киритди. Педагогика институтлари жамоалари орасида ўтказилган "Талантларни излаймиз" танловида ёшларимиз фахрли 1-ўринни эгаллашди.

Бугунги кун олий мактаб ўқитувчиси — у хоҳ академик, хоҳ оддий ассистент бўлсин, фикр юритиб кўриши керакки, у келажакда педагог-ўқитувчи бўладиганларнинг устози, демакки, устозларнинг устозидир. Бунингдек улуғ мартаба, эъзоз ва эҳтиром қанчалик масъулиятли эканлигини, маънавий ва жисмоний жиҳатдан соғлом, комил инсонларни тарбиялаш нафақат бугунги кун, балки келажагимизга ҳам тўлиқ дахлдорлигини, бу эса уларнинг билим ва маҳоратига, инсоний фазилатларига боғлиқ эканлигини улар чуқур ҳис этишлари керак. Элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган, ҳақиқий фидойи, ёшларга онадек меҳрибон, отадек ғамхўр, ўзининг бор меҳри ва қалб қўрини шогирдларига берадиган, дунёда билим ва маърифатдан қудратлироқ куч йўқ эканлигини, уни ҳеч қандай бойлик билан ўлчаб бўлмаслигини ёшлар онгига сингдиришга қодир, амалда ўзи ҳам шунга сазовор эканлигини исбот қила оладиган намунали инсон бўлишини хоҳлар эдим. Олий таълим ўқитувчиси камолот тимсолига айлана олсагина, том маънода устоз деган буюк номга сазовор бўлиши мумкин, деган фикрдаман. Президентимиз ташаббуси ва бошчилигида қабул қилинган миллий дастур ўзининг дастлабки натижаларини бераётган бир пайтда "2004—2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида"ги фармоннинг қабул қилиниши нур устига аъло нур бўлди. Демак, таълим даргоҳларида ишлаётган ҳамкасбларимизнинг барчасини залворли вазифалар кутмоқда.

**Ҳ.ТЎЙМАНОВА**
**ёзиб олди.**

# ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Ўзбекистон Конституциясi қабул қилинган куннинг 12 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Адлия вазирлиги, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Республика "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамкорлигида "Конституция – бахтимиз пойдевори" шиори остида республика кўрик-танлови ўтказилди. Кўрик-танлов ўқувчилар, талабалар, маҳалла ва мактаб жамоалари ўртасида 4 босқичда бўлиб ўтди.

Биринчи босқич бевосита мактаблар, ўқув юртлари, талабалар, маҳаллалар ўртасида ўтказилиб, унда ўқувчи ва талабалар "Конституция — бахтимиз пойдевори" мавзусида диктант, баён, иншолар ёздилар. Ўзбекистон Конституциясида фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари акс эттирилган алоҳида бандлар мазмунини ифодалайдиган энг яхши тасвирий асарлари ва фотоальбомлари билан иштирок этдилар. Шунингдек, республикада ҳуқуқий таълим-тарбияни энг намунали йўлга қўйган мактаблар ҳам ўзаро мусобақалашдилар.

Кўрик-танловнинг мактаб, туман, шаҳар, вилоят босқичларида 7,5 минг умумий ўрта таълим мактаблари, 2,5 млн.дан ортиқ ўқувчилар 300 мингга яқин тасвирий ишлари, 100 мингдан ортиқ фотоальбомлар билан иштирок этдилар. Ниҳоят, "Камолот" ЁИҲ марказий кенгаши биносида танловнинг якуний босқичи бўлиб ўтди. Уни Халқ таълими вазири ўринбосари У.Мусаев кириш сўзи билан очиб, ғолибларни табриклади. Тадбирда расмлар кўргазмаси ҳам ташкил қилиниб, барча йўналишлар бўйича ғолиблар рўйхати эълон қилинди. Танловда Фарғона вилояти Фарғона туманидаги 3-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Сарвиноз Деҳқонова энг яхши баён ёзган ўқувчи деб топилди ва у фахрли 1-ўринни эгаллади. Шу йўналиш бўйича 2-ўрин Хоразм вилояти Хонқа туманидаги 40 –мактабнинг 7-синф ўқувчиси Нилуфар Аҳмедовага насиб қилган бўлса, 3-ўринга Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги 10-мактаб ўқувчиси Дилафрўз Қурбонбоева лойиқ деб топилди.

Энг яхши ёзилган иншо йўналиши бўйича Андижон вилояти Асака туманидаги 11-гимназия –интернатининг 11-синф ўқувчиси Дилноза Холқўзиева ғолибликни қўлга киритган бўлса, 2-ўринга Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги 20-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Мақсуд Холиқов кўрсатилди ва 3-ўрин эгаси деб Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги 16-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Дилафрўз Тоғаева қайд этилди.

Фотоальбом ва видеотасвирлар йўналиши бўйича 1-ўрин Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги 20-мактабга, 2-ўрин Жиззах вилояти Жиззах туманидаги 19-мактабга, 3-ўрин Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги 5-мактабга насиб қилди.

Энг яхши тасвирий восита (расм, плакат, чизмалар) йўналиши бўйича Хоразм вилояти Урганч шаҳар 24-мактаб ўқувчиси Азамат Мадаминов 1-ўрин, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 246-мактаб ўқувчилари Э. Минербаева, О.Мирзааҳмедова 2-ўрин ва Бухоро вилояти Бухоро туманидаги 39-мактаб ўқувчиси Жасур Мажидов 3-ўрин эгаси деб қайд этилди.

Кўрик-танловнинг "Соғлом авлодни шакллантириш" йўналиши ғолиб деб қуйидагилар кўрсатилди: 1-ўрин Андижон вилояти Андижон шаҳридаги 30-мактаб жамоаси, 2-ўрин Фарғона вилояти Фарғона шаҳридаги 9-мактаб жамоаси, 3-ўрин Сурхондарё вилояти Узун туманидаги 20-мактаб жамоаси.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашининг бошланғич ташкилотларида бажарилган ишлар йўналиши бўйича 1-ўрин Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги 20-мактабга, 2-ўрин Наманган вилояти Наманган туманидаги 8-мактабга, 3-ўрин Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги 13-мактабга насиб қилди.

Барча йўналишлар бўйича ғолибларга танлов ташаббускорлари томонидан совғалар топширилди. Танловни чиройли, бадиий чиқишлар якунлаб берди. Ўйлаймизки, бу каби танловлар ўқувчиларнинг ҳуқуқий онгини ошириш билан бирга, Конституцияни ўрганишга бўлган қизиқишини орттиради. Энг муҳими, уларнинг ижодкорлик қобилиятини намоён этишига имкон яратиб, шу йўл билан ҳам ҳуқуқини танишга, ҳам конституцион ҳуқуқларидан тўла фойдаланишга ўргатади.

**МУХБИРИМИЗ**

# КЎП НАРСА ЎРГАНДИК

Бизнинг лицейимиз — "International hause"да ҳам байрамга бағишланган кўп тадбирлар ўтказилмоқда. Конституцияга бағишланган очиқ дарслар, ҳуқуқшунослар билан учрашувлар ташкил қилиняпти. Ҳуқуқшунослар бизга Конституциянинг аҳамияти ва моҳиятини тушунтириб беришди. Биз Конституциямиз ҳақида жуда кўп нарса ўргандик.

Конституциямизнинг 41-моддасига кўра, ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга ва бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Ушбу модда талаблари амалда қўлланилишига ҳаммамиз гувоҳмиз. Мамлакатимизда янги ва замонавий коллеж ва лицейлар барпо этилди. Мактаб бинолари янгидан таъмирланмоқда. Бунинг учун давлатимиз томонидан жуда катта маблағ сарфланмоқда. Биз шуларни билган ҳолда ҳаракат қилиб, Ватанимизга фойдаси тегадиган инсон бўлишимиз лозим. Бунинг учун бизга шунча имконият яратиб бераётган Конституциямиз моддаларини ўрганишимиз керак.

**Сардор ҲАСАНОВ,**
**"International hause" лицейи ўқувчиси**

# УСТОЗЛАР ҲУЗУРИДА БАЙРАМ

*А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИда "Қомусимиз — ифтихоримиз" номли маданий-маърифий байрам тадбири ўтказилди. Унда институтда ўз малакасини ошираётган умумий ўрта таълим мактаблари директорлари, ўқитувчилари иштирок этдилар. Байрам тадбирининг эътиборли жиҳати шундаки, учрашувда "Зулфияхоним қизлари" клуби аъзолари, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорлари бўлган қизлар қатнашиб, ўзларининг концерт дастурлари билан чиқиш қилдилар. Устоз-мураббийларга бағишланган илиқ фикрлар, жозибали рақслар, гўзал куй-қўшиқлар йиғилганларга завқ бағишлади.*

*Тадбир якунида институт ректори, педагогика фанлари доктори, профессор Ж. Йўлдошев фаол қатнашувчиларга эсталик совғалари топширди.*

**МУХБИРИМИЗ**

**Qit'a-davlatda ta'lim tizimi, uni tashkil etish asoslari, o'quv paketlarini ishlab chiqish va amalga oshirish jarayonlarini kuzatar ekanmiz, ularda amaliy mashg'ulotlar barcha jihozlar bilan to'liq ta'minlanganligining guvohi bo'ldik.**

*Safar taassurotlari*

# КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ: УЙҒУН ТАЖРИБАЛАР



Таълим соҳасида халқаро ҳамкорлик, ривожланган мамлакатлар тажрибасини жорий этишнинг ўрни ва аҳамияти катта. Буни Осиё Тараққиёт Банки (ОТБ)нинг кредити ҳисобидан ўрта махсус касб-ҳунар таълимини ривожлантириш лойиҳасига киритилган касб-ҳунар коллежлари мисолида яққол кўриш мумкин.

Республикадаги 45 та модел коллеж ўқитувчилари, муҳандис, муаллимларининг муайян қисми ривожланган мамлакатларнинг таълим соҳасидаги тажрибаларини ўрганиб, сўнгра ўзлари меҳнат қилаётган касб-ҳунар коллежларида амалда қўллаш ва касбдошлари орасида кенг оммалаштиришга муяссар бўлмоқдалар. Ана шулардан бир гуруҳи Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказида дастлабки синовдан ўтишди ва жорий йилнинг 2 августидан 14 сентябрига қадар Австралия, Индонезия, Малайзия давлатларида бўлиб, ушбу мамлакатлар тажрибасини ўрганиб ҳамда малака ошириб қайтдилар. Мазкур гуруҳда Наманган саноат касб-ҳунар коллежи директори Олимжон Ҳасанов ҳам бор эди. Домла бизга сафар таассуротлари, орттирган тажрибалари ҳақида қуйидагиларни гапириб берди.

— Аввало ЎМКҲТ маркази раҳбари Ж.Ҳусанов қабулида хорижга бориб, малака оширишим тўғрисидаги буйруқни қўлга олганимда истиқлол шарофати ила шундай кунлар насиб этганига шукроналар айтдим. Бизга малака оширишдан қайтгандан сўнг илмий-амалий семинар, семинар-тренинг тренери сифатида ўз тажрибаларимизни касбдошларимизга ўргатиш юзасидан вазифалар берилди.

Дастлаб биз Виктория штатининг Мелбурн шаҳрида жойлашган Виктория университетида таҳсил олдик. Австралия таълим тизимидаги илғор тажрибаларни ўрганиш билан бирга жанубий ярим шарда яшовчилар турмуш тарзи ва маданияти, ўқитиш тизимини ўрганиш, айни пайтда уларга халқимиз ҳаёти ва маданияти, барча соҳаларда қўлга киритилаётган ижобий ютуқлар, Ўзбекистон ҳақида кўпроқ маълумот беришга ҳаракат қилдик. Бир ой давомида Австралия давлати таълим тизимининг тузилиши, дарс жараёнлари, амалиётни назария билан узвий боғлиқ ҳолда ўтилишини кузатдик. Виктория штатидаги «OPCV» компанияси инженери Петр Виллиамс ва тренер Мег Холмберглар бизга ҳамкорлик қилиб, университетга қарашли TAFE-касб-ҳунар коллежларининг ҳаёти билан таништирди. Австралия таълим тизими кўп жиҳатдан Ўзбекистон таълим тизимига ўхшаш. Қитъа-давлатда таълим тизими, уни ташкил этиш асослари, ўқув пакетларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнларини кузатар эканмиз, уларда амалий машғулотлар барча жиҳозлар билан тўлиқ таъминланганлигининг гувоҳи бўлдик. Яратилган ўқув пакетларини бизда жорий қилинган давлат таълим стандартларига қиёсладик. Таълим тизимига жорий қилинган ўқув пакетлари зарур касбий қўшимча материаллар илова қилинган ҳолда ишлаб чиқилган. Австралия таълим тизими худди биздагидек узлуксиздир. Биз юртимиз истиқлолга эришгач, мустақиллик давридаги ютуқларимиз, хусусан, «Таълим тўғрисида»ги қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг сифат босқичини изчиллик билан амалга оширилаётганини Виктория университети ўқитувчиларига сўзлаб бердик. Айниқса, сафаримизнинг иккинчи ҳафтаси Ўзбекистон ёшларидан икки нафари — тошкентлик Дилфуза ва наманганлик Мақсудбек исмли ёшлар танловдан ўтиб, Австралияга магистратурага ўқишга борганлиги ўз юртимга бўлган меҳримни, ҳурматимни янада оширди.

Малака ошириш жараёнида Виктория штатидаги таълим тизимининг тузилмаси, унинг бошқаруви, касб-ҳунар таълими муассасаларининг фаолияти, Австралия раҳбарлар марказининг иш фаолияти билан танишиш ва Ўзбекистон касб-ҳунар таълими тизимини ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мақсад қилиб қўйилган эди. Тажриба алмашиш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, Виктория штати таълим муассасалари раҳбар ходимларининг малакасини ошириш асосан иш жараёнида ва «Австралия раҳбарлар маркази»да олиб борилади. Бундан ташқари, раҳбарлар ўз малакаларини интернет орқали, «onlins» курсларида ҳам ошириб борадилар.



Австралия жуда ҳам яшил, атроф чиройли. Дам олиш кунлари уюштирилган турли тадбирлар, Виктория қўриқхонаси, Мелбурн аквариуми, музейлар, турли хил ҳайвонлар диққатингизни ўзига тортади. Шундай гўзал манзарани кўриб, беихтиёр серқуёш юртимиздаги мунаввар тонг, пурвиқор тоғлар, ғарқ пишган турли хил мевалар, меҳмондўст ўзбек халқининг ширин мулозаматлари, сахийлиги кўз олдимга келди. Юрагимни соғинч ҳисси ўртади. Шунда олдимга мақсад қилиб қўйган — «Касб-ҳунар коллежларида масофавий таълимни ташкил қилиш муаммолари» мавзусидаги илмий мақоламни Австралиядаги кўрган-билганларим ва интернетда олган маълумотларим асосида ярата бошладим.

Сафаримиз давоми Индонезияда бўлганлиги учун Малайзия орқали Индонезиянинг Маланг шаҳрига учдик ва Сурабайя шаҳри аэропортига қўнганимизда Маланг Бравижая Политехника университети вакиллари бизни кутиб олишди. Ҳурматли меҳмон сифатида миллий урф-одатларига кўра Маланг шаҳрининг энг гўзал меҳмонхонаси «ТРИО-ИНДАН»га жойлашдик.

Маланг шаҳридаги Бравижая Политехника университети раҳбари Буди Тжахжоно Индонезия миллий куй-қўшиқлари, рақслари билан биз ўзбекистонлик таълим ходимларини қарши олди.

Индонезия таълим тизими ҳам Австралия ва Ўзбекистон таълим тизимидан тубдан фарқ қилмайди. Индонезияда ҳам Австралиядаги сингари касб-ҳунарни эгалламоқчи бўлганлар учун барча шарт-шароитлар етарли. Билим олувчиларнинг ёши чегараланмаган.

Индонезия аҳолиси кўпроқ тарқоқ ҳудудларда яшагани учунми, айрим чекка-чекка жойларда яшовчиларни махсус ўқитувчилар юбориб ўқитилади. Чунки масофавий таълим ҳали ривожланмаган. Касб-ҳунар эгаллаш учун интилган ёшларга барча имконият яратилган. Лекин, Индонезия аҳолини иш билан банд қилиш вазирлиги мутасаддиларининг сўзларига кўра, аҳолининг кўп қисми институтларда, 3 йиллик коллежларда тўлов-контракт асосида таҳсил олади. Пуллик ўқиш имкони бўлмаган аксарият ёшлар қишлоқ хўжалиги ишлари, қўл меҳнати билан банд экан. Касб-ҳунар ўқув юртларидан ташқари бир йиллик махсус касб-ҳунар таълими марказлари ҳам фаолият кўрсатиб, аҳолининг ишсиз қатламини ўқитиш, касб-ҳунар бериш билан шуғулланади ва I, II, III даражали гувоҳнома берилади.

Бизга Индонезия давлати мустақиллигининг 59 йиллик байрамида иштирок этиш насиб қилди. Кўчалар, хиёбонлар миллий байроқлар билан безатилган, одамлар билан гавжум. Одамларнинг мустақиллик байрами кўргазмасига чиқиши, байрамни шоду хуррамлик билан нишонлашини кузатдик. 1 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллигини индонезиялик дўстлар, касбдошлар билан кутиб олдик. Гуруҳимиз Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳиясини ижро этиб, сценарий асосида «Ўзбекистон бугунги кунда» мавзусида бадиий кеча ташкил қилдик. Мустақил республикамизнинг иқтисодий-маънавий ривожланиши, тинч-осуда ҳаётимиз, тобора ривожланиб бораётган юртимиз ҳаёти билан мезбонларни таништирдик.

**Хуршид СУЛТОНОВ ёзиб олди.**

(М)

**НАМАНГАН САНОАТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ**

барча юртдошларимизни, фан-таълим соҳаси фидойиларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 12 йиллиги билан самимий муборакбод этади!



Барчага тинчлик, хотиржамлик, бахт-саодат тилаймиз.

# ЭЗГУЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК ҒОЯЛАРИ

## улар Конституциямизнинг асосий моҳияти

Фарғона... Бу кўҳна заминда қанчадан-қанча илму донишлар етишиб чиққан. Аҳмад ал-Фарғоний, Марғиноний... Бу номлар замонлар оша яшаб келмоқда.

Вилоятимизда бугунги кунда саноат, таълим, тиббиёт соҳаларида салмоқли ишлар қилинаётир. Булар мустақилликдан кейинги йиллардаги натижалардир. Конституциямизнинг 12 йиллиги арафасида байрам шукуҳи ва нафаси кезмоқда. Хусусан, бизнинг халқ таълими бошқармаси жамоаси ҳам Қомусимиз қабул қилинган кун муносабати билан турли тадбирлар, адабий-бадиий кечалар, учрашувлар ўтказмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2004 йил 12 ноябрдаги “Республика таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун — 8 декабрь умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги буйруғи асосида бир қатор ишларни амалга оширмоқдамиз. Жумладан, барча таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 12 йиллигига бағишланган дарслар, ўқувчи-ёшлар маънавий-ахлоқий хатти-ҳаракатларини изчиллик билан назорат қилиб боришда жойлардаги туман ҳокимликлари ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия нозирлари билан ҳамкорликда тадбирлар ўтказилмоқда. Бундан ташқари, 3 декабрь куни вилоятнинг бир қатор мактабдан ташқари таълим муассасаларида ўқувчи-ёшлар томонидан Конституциянинг мазмун-моҳияти ифодаланган расмлар кўргазмаси, Фарғона шаҳридаги 1-сонли “Ўқувчилар ижодиёт маркази”, Қува туманидаги “Тил маркази” ва Марғилон шаҳридаги 8-мактабда “Конституция билимдонлари” мавзуида “Заковат” интеллектуал ўйини, Фарғона шаҳридаги “Парвоз” гимназиясида “Ўткир зеҳнлилар” мушоираси каби кўплаб тадбирлар уюштирилди. Ўйлаймизки, бу каби тадбирлар ёшларнинг Конституциямиз мазмун-моҳиятини тўғри англаб етишлари, улар онгида Қомусимизга ҳурмат, ишонч туйғуларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, 6 декабрь куни Фарғона шаҳар халқ таълими бўлими ҳамда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши ҳамкорликда “Сиз қонунни биласизми?” деб номланган кўрик-танлов, 7 декабрь куни вилоят педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида “Конституция — адолат мезони” мавзуида илмий-амалий анжуман, Фарғона шаҳридаги 2-сонли “Ўқувчилар ижодиёт маркази”да Конституция куни умумхалқ байрамига бағишлаб “Қувноқлар ва зукколар” беллашувлари ташкил этилди.

2004 йилнинг октябрь, ноябрь ойларида “Конституциямиз — бахтимиз пойдевори” мавзуида қуйидаги олтита йўналиш бўйича танловлар ўтказилди. Булар:

— бошланғич синф ўқувчилари ўртасида диктантлар танлови;

— 5—7-синф ўқувчилари ўртасида баёнлар танлови;

— 8—11-синф ўқувчилари ўртасида ижодий иншолар танлови бўлиб, уларнинг ўзига хос аҳамияти бор.

Шубҳасиз, ушбу танлов ёшлар ҳаётида, уларнинг келажакда ҳар томонлама етук, баркамол шахс бўлиб тарбияланишларида, ёшлар онгида маърифатпарварлик, эзгулик, бунёдкорлик ғояларини камол топтиришда беқиёс аҳамиятга эгадир. Яна шуни ҳам айтиш лозимки, ушбу танловларнинг республика босқичида вилоятимиз ўқувчилари яхши натижаларни қўлга киритиб келмоқда.

**Муҳаммаджон ХОДЖАЕВ,**
**Фарғона вилоят ХТБ бошлиғи**

# ЮТУҚЛАР ЧЕГАРА ЭМАС

Конституциянинг 12 йиллиги арафасида Фарғона шаҳар халқ таълими бўлимида бўлдик. Бу ерда бир қатор тадбирлар, учрашувлар, илмий-амалий конференциялар мунтазам ўтказилаётганлиги ёшлар таълим-тарбиясида алоҳида ўрин тутмоқда.

Фарғона шаҳар халқ таълими бўлими тасарруфидаги “Шодлик” гимназиясида “Конституция — бахтимиз пойдевори” мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди. Вилоят ва шаҳар ХТБ ҳамда ҳокимлик ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тадбирда Тошкент давлат юридик институти доценти Миродил Баратов, Фарғона вилояти адлия бошқармаси бош маслаҳатчиси Уйғунжон Имомов, Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат жамоатчилик кенгаши вилоят бўлими раиси Тоҳиржон Абдурайимов, шаҳар ХТБга қарашли 33-мактаб директори Мастурахон Умарова, шаҳар ХТБ маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Сайёрахон Алимовалар иштирок этишди.

— Гимназиямизда ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида шаҳар халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда бир қатор амалий ишлар олиб бормоқдамиз. 1-чорак якунига кўра “Жамият — оила — шахс” мавзусида ўтказилган ота-оналар конференциясини ҳам ана шундай ишлар сирасига киритса бўлади. Интерфаол усулда гуруҳларга бўлинган ҳолда ташкил этилган ушбу конференция ўқувчиларда катта таассурот қолдирди, — дейди гимназия директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Александра Хўжаева. — Шуни таъкидлаш керакки, бу каби амалий тадбирлар уюштиришда Фарғона давлат университети гуманитар мутахассисликлар кафедраси доценти Турғуной Эгамбердиеванинг ёрдами катта бўлмоқда.

— Бу каби тадбирлар шаҳримизнинг деярли ҳар бир таълим муассасаларида ўтказилмоқда, — дейди Фарғона шаҳар ХТБнинг маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Сайёрахон Алимова. — Мисол учун 20-умумий ўрта таълим мактабида ҳуқуқшунослик дарсларида янги педтехнологиядан фойдаланган ҳолда болалар онгига ҳуқуққа оид билимларни сингдириш масалаларига бағишланган очиқ дарс бўлиб ўтди. Бундан ташқари, 23-мактабда ҳам “Сиз қонунни биласизми?” мавзуида тадбир уюштирдик. 30-умумий ўрта таълим мактабида бўлиб ўтган тарих дарсларида Конституциядан фойдаланиш мавзусидаги семинар ҳам шулар жумласидан. Яна шаҳримизда бир яхши одат анъанага айланди. Конституция байрами арафасида турли кўрик-танловлар ғолибларини тақдирлаш билан бирга, 16 ёшга тўлган болаларга фуқаролик паспорти топширишни ҳам йўлга қўйдик.

Умуман, Фарғона шаҳар халқ таълими бўлими, унинг тасарруфидаги мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасалари маъмурияти томонидан олиб борилаётган ишлар аллақачон ўзининг самарасини бера бошлади. Ўтган йили “Конституциямиз — бахтимиз пойдевори” кўрик-танловида Фарғона шаҳридаги иқтисод ва ҳуқуқ фанига ихтисослашган гимназия жамоаси таълим муассасаларида, маҳаллада ахлоқий-ҳуқуқий, маданий-маърифий мавзуларда амалга оширилаётган ибратли тадбирлар, ҳашарлар акс эттирилган фотоальбомлар танлови бўйича республикада 2-ўринни қўлга киритиб, Халқ таълими вазирлигининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. 30-ўрта умумтаълим мактабининг “Ҳуқуқшунос” жамоаси «Камолот» ЁИҲ, прокуратура, ИИБ ходимлари ва шаҳар ХТБ ҳамкорлигидаги қўшма қарор билан ўтказилган “Сиз қонунни биласизми?” кўрик-танловида 2-ўринни олишди.

— Шаҳар ХТБ тасарруфидаги 9-умумий ўрта таълим мактаби “Конституциямиз бахтимиз пойдевори” танловининг 5-йўналиши бўйича, 33-мактаб жамоаси эса, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилотлари танловида ғолиб деб топилиб, уларнинг альбомлари республика босқичига юборилди, — дейди Фарғона шаҳар ХТБ мудири Шуҳрат Маҳмудов.




Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, вилоятда бу каби ишлар, ютуқлар жуда кўп. Аммо, бу муваффақиятлар улар учун ҳали чегара эмас. 28 ноябрдан 7 декабргача шаҳарда ҳуқуқий ҳафталик эълон қилинганлиги ва шу давр ичида шаҳар ХТБ тасарруфидаги барча мактабларда турли тадбирлар ўтказилиши ҳам ўрнак олса арзигулик ишлардан.

**Бахтиёр ЁҚУБОВ**

# ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ САМАРАЛИ ШАКЛИ

**Ёш авлодни юксак ватанпарвар, ҳар томонлама баркамол, миллий истиқлол ғояларига содиқат руҳида тарбиялаш, таълим-тарбия ишларини йўлга қўйишга янгича ёндашиш, уни ўқувчилар онгига сингдиришда самарали услублардан фойдаланишни тақозо этади. Бунда мактабларда тўгараклар фаолиятини шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Бу жараён оммавий ҳаракатдаги синфдан ташқари иш бўлиб, унда ўқувчилар қизиқишлари бўйича ихтиёрий қатнашадилар. Тўгарак раҳбарлари ўқувчиларнинг қизиқиш ва интилишларига бефарқ қарашлари ва ўз устиларида етарли даражада ишламасликлари, машғулотларни ўз вақтида олиб бормасликлари ёки машғулотларга пухта тайёргарлик кўрмасликлари ўқувчиларнинг тўгаракларга бўлган қизиқиш ва ҳавасларини сусайтиради.**

**Тўгарак ишларида ўқувчиларнинг ижодкорлигига кенг имкониятлар яратиб берилиши мақсадга мувофиқдир. Мактабимизда ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларида тўгаракларда фаол иштирок этишлари таъминланган. Айниқса, “Инглиз тили”, “Эврика”, “Булбулча”, “Гулғунча” каби тўгараклардаги машғулотлар ўқувчиларга манзур бўлмоқда. Шу боис, машғулотлар доимо билан гавжум. Мактабда тўгарак ишларини ривожлантириш ва такомиллаштириш мақсадида “Тўгарак раҳбарлари”нинг методбирлашмасини ташкил этганмиз.**

**Бу борада вилоят мактабдан ташқари муассасалар Маркази томонидан кўрсатилган тавсиялар бизга қўл келмоқда. Марказнинг бевосита кўмаги билан амалга ошираётган тадбирларимиз, албатта, ўзининг самарасини беради.**

**Нигора УСМОНОВА,**
**Марғилон шаҳридаги 1-мактабнинг илмий бўлим мудири**

# АДОЛАТ ВА ФАРОВОНЛИК АСОСИ



"Ўз-ўзидан аёнки, биз адолатли ва фаровон жамият қурмоқчи эканмиз, Конституция ва унинг асосида яратилган қонунларни чуқур ўрганиш ва уларга риоя қилиб яшаш кундалик ҳаёт тарзимизга айланиши шарт", деган эди Президентимиз маърузаларидан бирида. Дарҳақиқат, эркимиз, озодлигимиз ва ҳуқуқларимиз кафолати бўлган Конституциямизнинг мазмун-моҳиятини чуқур тушуниш, уларни келгуси авлод онгу тафаккурига ҳам сингдириш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Шу маънода Андижон вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти жамоаси ҳам ушбу долзарб масала юзасидан ўз олдига қўйган аниқ мақсад ва вазифаларни бажариш учун имкон борича ҳаракат қилиб келмоқда.

Институтимизга 2001 йилда "олий ўқув юрти" мақоми берилган бўлиб, айни пайтда 5 та кафедра, 7 та бўлим фаолият кўрсатмоқда. 45 нафар профессор-ўқитувчилар педагогларга таълим беришни такомиллаштириш ва дарс жараёнида ўқитишнинг ноанъанавий усулларини татбиқ этишни оммалаштириш, замонавий ўқитувчиларни шакллантириш, ўқитувчининг мустақил, ижодий ишлашини ривожлантириш бўйича турли тавсиялар, кўрсатмалар ишлаб чиқиб, амалиётга татбиқ этишмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишнинг турли шаклларини дарс ишланмалари сифатида вилоят таълим муассасаларига етказиб бермоқдамиз.

Таълим муассасамизда жамоатчилик асосида ҳуқуқий маслаҳат таянч шахобчаси ташкил этилган. Икки йилдирки, вилоят таълим соҳаси ходимларига ҳуқуқий мавзуларда, фуқаролик, меҳнат, оила кодекслари доирасида бепул юридик хизмат кўрсатиб келмоқда. Бунда ҳуқуқшунослар Фарид Носиров, Эргаш Азимов, Қодиржон Зуннуновнинг хизматлари катта бўлаяпти. Маслаҳатхонада турли қонунлар, меъёрий ҳужжатлар, оммавий ахборот воситалари жамланган бўлиб, тингловчилар хоҳлаган пайтларида улардан фойдаланишлари, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишлари мумкин. Бундан ташқари, ҳуқуқшунос Фарид Носировнинг ташаббуси билан фуқаролардан тушган саволлар асосида 5 та китоб тайёрланди. Бу келгусида бошқа фуқароларга ҳам ҳуқуқий маълумотлар олишда, сайлов жараёнлари, конституция мезонлари каби мавзуларда кенгроқ маълумот олишларида асқотади. Шунингдек, институтимизда турли тадбирлар, давра суҳбатлари, тингловчилар билан учрашувлар ўтказилмоқда. 25 ноябрь куни малака ошириш курси тингловчилари билан "Билимдонлар баҳси" деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Унда "Конституция бизнинг ҳуқуқий кафолатимиз" мавзусида сайлов саводхонлигига оид савол-жавоблар амалий ўйин — тренинг тариқасида ташкиллаштирилди.

26 ноябрь куни эса, институт профессор-ўқитувчилари ва ходимлари билан "Конституция — барча қонунлар асоси. Конституция моддаларининг ҳаётийлиги ҳамда ҳуқуқий демократик давлат қуришда уларнинг аҳамияти" мавзусида суҳбат ўтказилди.

Бундан ташқари, 6 декабрь куни бўлиб ўтган "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳуқуқлари" мавзусидаги илмий-амалий конференция ҳам институтда амалга оширилган муҳим ишлардан бири бўлди десак, хато бўлмайди. Боиси, бу конференция келгусида ҳам алоҳида амалий аҳамиятга эга. Умуман, "Мамлакатимизнинг ички сиёсати: инсон ва унинг манфаатлари ҳар нарсадан улуғ" (ҳуқуқий тенглик, қонун устуворлиги, аҳоли хавфсизлиги) мавзусидаги учрашувлар, "Терроризм — аср фожиаси", "Ҳуқуқий билимлар оммага" каби тадбирларни ҳам ана шундай муҳим ишлар сирасига киритса бўлади.





Хулоса қилиб айтганда, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, ўқитишнинг янги инновацион методларини жорий этиш, бунинг учун, зарур бўлса, хориж тажрибаларидан ҳам кенг фойдаланишга алоҳида аҳамият қаратмоқдамиз. Имкониятлар эса етарли. Жамоамизда 2 нафар фан доктори, 1 нафар фан номзоди ва 15 нафар доцент фаолият юритмоқда. Компьютерларимиз интернет тармоғига уланган. Шу билан бирга институт атрофида қурилиш-ободончилик ишларини амалга оширдик. Осиё тараққиёт банки томонидан ажратилган жиҳозларни келтириш учун 14 та хона замонавий жиҳозланди. Ушбу ишларни амалга ошириш учун жами 98 миллион сўм маблағ сарфланди.

"Тўйга тўёна билан" деганларидек, байрам арафасида ютуқларимизни сарҳисоб қилдик. Бу, камчиликлардан бутунлай холимиз, деганимиз эмас. Келажакда мавжуд камчиликларни бартараф этиш учун қўлимиздан келганча ҳаракат қиламиз. Фурсатдан фойдаланиб, институтимиз жамоаси бутун Ўзбекистон халқини, ўқитувчи ва мураббийларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 12 йиллиги билан қутлайди.

**Кудрат ИБАЙДУЛЛАЕВ,**
**Андижон вилоят ПКТМОИ ректори**




*Ko'ngil bitiklari*

# ТАЪЗИМ

Мана, болам, сенга ёруғ кошоналар,
Ҳақиқатга айланди-ку афсоналар,
Янграмоқда обод юртда тароналар,
Мустақиллик бахтинг сенинг, жигарбандим.

Қишлоқларинг ҳавоси хуш, ифори хуш,
Олис кетсанг дарвеш қилар, хумори хуш,
Кўз тегмасин, дея тақҳан тумори хуш,
Мустақиллик бахтинг сенинг, жигарбандим.

Илм изла: дунё сенинг, уммон сенинг,
Уммон недир, юлдуз тўла осмон сенинг,
Эътиқодинг Ватан бўлсин – иймон сенинг,
Мустақиллик бахтинг сенинг, жигарбандим.

Йўллар юриб, сен жаҳонни кезиб ўтгин,
Дарё келса, ғаввос бўлиб сузиб ўтгин,
Ёғийларнинг тузоғини бузиб ўтгин,
Мустақиллик бахтинг сенинг, жигарбандим.

Кўк тоқига Кўрагоний нарвони бор,
Тиб илмида Ибн Сино маржони бор,
Ўзбек деган миллат яшар, сарбони бор,
Мустақиллик бахтинг сенинг, жигарбандим.

Ғазал ёзсанг Мир Алишер довоти бор,
Чавандоз бўл, Гўрўғлининг Ғироти бор,
Машшоқ бўлсанг Ражабийнинг Баёти бор,
Мустақиллик бахтинг сенинг, жигарбандим.

Қодирийнинг армонлари, хаёли бўл,
Шу заминни маҳкам қучган ниҳоли бўл,
Сен Юртбошим орзулаган камоли бўл,
Мустақиллик бахтинг сенинг, жигарбандим.

Деҳқон бўлсанг, кўз илғамас пахтазоринг,
Дала-даштда, қир-адирда мевазоринг,
Сен бойдирсан, гавжум бўлса гар бозоринг,
Мустақиллик бахтинг сенинг, жигарбандим.

Сарбонингда ҳаловат йўқ, ўйлар сени,
Қайга борса, мактабингга бўйлар сенинг,
Ўқи, ўрган, риёзат чек, қўллар сени,
Мустақиллик бахтинг сенинг, жигарбандим.

Мушти маҳкам, зарби кучли полвони бўл,
Қўшиқ айтсанг, Комил ҳофиз забони бўл,
Назмда-чи, Юсуф бўлгин, Чўлпони бўл,
Мустақиллик бахтинг сенинг, жигарбандим.

Мана, Замин эзгуликка тўлдир уни,
Шижоат-ла каму кўстин тўлдир унинг,
Обод қилиб фарзандингга қолдир уни,
Мустақиллик бахтинг сенинг, жигарбандим.

Болам, кўргин, сочимга оқ оралади,
Онгим илм маҳзанини саралади,
Ҳар тонг билсанг, қутлуғ мужда таралади:
"Мустақиллик бахтинг сенинг, жигарбандим".

Абдулаҳад ЎРМОНОВ,
Асака туманидаги 7-мактаб ўқитувчиси

# ҒАЗАЛ

Дарбадар бўлдимми мен ҳам даҳри дун даргоҳида,
Ўртанирму жисми жоним ёрни ҳажри доғида?!
Ром этар суйдирмажон, куйдирмажоним, найлайин,
Кўз ёшим дарё қилиб қолгай ўзи қирғоғида.
Юрсаму зулфига дилни боғламоқ илинжида,
Зулф ароким жон ипини ўйнагай бармоғида.
Эгма қошин қошида йиғсам бисоту давлатим,
Не илож, бўлгай паришон қошларин уймоғида.
Суймаганга суйкалиб не суд топарсан дейдилар,
Бас-э, парво йўққи, парвонада куйган чоғида.
Эй Салавот, қайга бошин урмагин, осмон йироқ,
Тош ёриб чиқмиш гулинг, боқ, ҳусни аввал доғида.

Васлидан қониқар танда ҳар томир,
Ортиқ севмоқликка етажак Имкон.

Райҳон исларидай муаттар Сабо
Сеҳру жодулайди мисли Ёсуман.
Сархуш кучоғига олганда Зебо,
Қайга сиғдирасан бизларни, Осмон!

***

Милён ёғду сочсин коинот,
Бўлолмагай кўнглим маёқ.
Гулшан кўрдим меҳрдан обод,
Дуога қўл очган ҳар япроқ.

Юксаклиги тоғдай бу ошён
Семурғ қушин ҳимоясида.
Бағри парку улуғ ва шоён
Ором топар жон соясида.

Бир гўшаки файзи зиёда,
Наҳрул ҳаёт — қонмас ташналик.
Қутлуғ ҳовли якка дунёда,
Қучоғида яшар Болалик.

Бир оламки, бамисли эртак,
Ёзиғлиқдир «очил дастурхон».
Ҳатто шоҳсиз, қайтасиз бешак,
Ва айтасиз: «Келдим, Онажон!»

Салавот МАҲМУД,
Чуст туманидаги 31-мактаб ўқитувчиси

# ҚАЙТИШ

*(Қишлоғимга)*



Биз қайси манзилга шошамиз, Сўқмоқ?
Қайси бир кўнгилга оқамиз, Дарё?
Умидлар ошёни қайда экан, Тоғ?
Парвонамиз қай бир Дийдорга, Зиё?

Қайда У, жон қадар қадри буюгим,
Қароғига қачон етгайдирмиз, Вақт?
Сочи сунбулгинам, садри суюгим,
Қайси бир гўшада кутмоқдадир Бахт?

Умрим бахшидаси, кўзи хуморим,
Минг жоним қаерда асралар, Тумор?
Топган-тополмаган ашки канорим,
Ёлғиз сезсак кимга интиламиз, зор?

Масофа писандмас сийласа соғинч,
Дунё элтармиди дўстки, дўстига.
Ёнокда симобдай сизилган, Севинч,
Томамиз қайси бир соҳир кўксига?

Кимдан сен суюнчи олдинг, эй, Насим?
Қай дилбар пойига элтиб кипригим.
Кимнинг барин тутиб, тўкилиб сим-сим,
Булбул, қани ғунчам, яширай сирим.

Япроқлар пинжига яширинган суман,
Мустар айладими ўшал сарвиноз.
Юракдай титраниб турибсиз ҳамон,
Кимни куйла дея тутқазасиз соз.

Ёниқ муҳаббатим айлаб овоза,
Уфқим, кенгайибсан, ёр пойи қадар.
Атлас, кимхобидан олиб андоза
Ҳуснинг ортибди-ку ҳазор-дуҳазор.

Кимга ўхшаб терар қошини Ҳилол,
Кимнинг изларини излайди Юлдуз.
Зуҳроларни жиға айлаган иқбол,
Остонага етмай чўктиради тиз.

Вафо кўрилажак у ерда, Умр,
Сафо топилажак, бешубҳа, эй Жон.

**QUTLOV!**



Ҳурматли
Саиджон МУРОДОВ!
Сизни таваллуд топган кунингиз — 50 ёшга тўлишингиз билан чин дилдан қутлаймиз. Сиз методика кабинетининг мудири сифатида таълим соҳасида янги педагогик технологияни кенг жорий этишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган тажрибали мутахассис сифатида ҳурмат ва эътиборга лойиқ инсонсиз. Ёш авлодни давримизнинг муносиб ўғил-қизлари қилиб тарбиялашдек масъулиятли ишда Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз.

ЖИЗЗАХ ТУМАНИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
БЎЛИМИ ЖАМОАСИ

**Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Улуғбек шаҳарчаси Қурилиш таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш Бошқармаси шаҳарча ҳудудида жойлашган корхона ва ташкилотлар учун 2 декабрь 2004 йилдан 1 Гкал иссиқлик энергиясининг нархи 6500 сўм қилиб белгиланганлигини билдиради.**


## Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар «AUKSION RIELT» корхонасида

***2005 йил 11, 18, 25 январ ва 1 феврал кунлари соат 10:00 да Аукцион савдосига қуйидаги бино ва иншоотлар қўйилади:***

*1. Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва моливий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан тақдим этилган ХИЧТФ «Гласстек»га тегишли Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани Турсунқулова кўчаси, 22-уйда жойлашган умумий майдони 3729 кв.м. бўлган 1 қаватли ишлаб чиқариш бинолари, бошланғич нархи 29 719 368 сўм.*

*Савдода қатнашиш учун харидорлар объектлар бошланғич нархининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлашлари шарт. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:*

*Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани Халқлар Дўстлиги кўчаси, 8-«б» уйда бўлиб ўтади.*

**Телефонлар: 133-61-86, 133-65-41.**

**Ташкилотнинг гувоҳномаси № 000267**


«Бошланғич таълим» журнали жамоаси журналнинг собиқ бош муҳаррири **Ўтамурод НУРМУҲАММЕДОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси вазирлик масъул ходими Баҳодир Бўроновга волидаи муҳтарамаси **Ҳайринисо ая АҲМЕДОВА**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилади.

Хоразм вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси Урганч қурилиш касб-ҳунар коллежининг директори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Ибодулло Бойжоновга онаси **Амина опа МАДАМИНОВА**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

ЎзМУ қошидаги Олий педагогика институти жамоаси филология фанлари номзоди, доцент **Ўтамурод НУРМУҲАММЕДОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Тошкент ирригация ва мелиорация институти ректорати, касаба уюшмаси қўмитаси, профессор-ўқитувчилар жамоаси «Илмий ва амалий тадқиқотлар» маркази директори Анвар Шеровга онаси **РАҲИЯ АЯ**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти жамоаси институтнинг Тиллар ва адабиёт кафедраси мудири Раҳима Бўроновага отаси, фалсафа фанлари доктори, профессор **Қўрғон БЎРОНОВ**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.


Ma'rifat

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитаси.*

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

*Таҳрир ҳайъати*: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида № 024 рақам билан 2003 йил 17 декабрда рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-226.
Тиражи 17975. 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Навбатчи муҳаррир:
Насиба ЭРХОНОВА.
Навбатчи:
Шерали НИШОНОВ.

*«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.*
*Ⓜ белгиси остида реклама материаллари берилади.*

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—133-99-15, олий таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-55-58, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим ва халқаро ҳаёт янгиликлари бўлими —136-56-97, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими—136-54-69.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

*«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.*
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.